



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 20 январь, № 15-16 (8638-8639)

Шанба

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ХИТОЙДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 23 — 25 январь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ Пекин шаҳрида олий даражадаги музокаралар ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар бўлиб ўтади.

Кун тартибидан Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кенг қўллаш амалии

ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хитой худудларидан бирига ташриф буюриб, ушбу мамлакат етакчи компаниялари ва банк-молия институтлари раҳбарлари билан учрашув ўтказди.

Ў.А.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 27 октябрда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади йўл ҳаракати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик

Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Йўл тушунчаси

Транспорт воситалари ва пиёдалар ҳаракатлиниши учун жиҳозланган, мослаштирилган ҳамда транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган йўл объектлари мажмуасини жойлаштириш учун ажратилган ер участкалари ҳамда ер участкалари устидаги бўшлиқ йўлдир.

Йўллар умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларига (бундан буён матнда умумий фойдаланишдаги йўллар деб юритилади), туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларига, хўжалик йўлларига, шаҳар электр транспорти йўлларига, велосипед ва пиёдалар йўлларига ажратилади.

Қишлоқ жойлардан ўтайдиган ва хўжаликларни ўзаро боғлайдиган йўллар хўжаликлараро қишлоқ йўлларидир.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Йўл объектлари — йўлнинг конструктив элементлари бўлган йўл сунъий иншоотлари (кўприклар, йўл ўтказгичлар, осма кўприклар, қувурлар, туннеллар ва бошқа муҳандислик иншоотлари), ҳимоя қилиш иншоотлари (йўлларни қор кўчирилари, ер чўкишидан, ер кўчириларида ҳимоя қилиш қурилмалари ва бошқа қурилмалар), шунингдек йўлларни жиҳозлаш элементлари (тўхташ майдончалари, йўловчилар учун павильонлар, дам олиш майдончалари, транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари ва бошқалар);

Йўл эгаси — йўл қайси корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ёки жисмоний шахслар иштирокида бўлса, ўша корхоналар, муассасалар ташкилотлар ёки жисмоний шахслар;

Йўл ҳаракати — йўл ҳаракатини ташкил этишда йўллар доирасида транспорт воситалари ва йўл ҳаракати иштирокчилари иштирокида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи;

Йўл ҳаракати иштирокчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситасининг ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда сифатида бевосита иштирок этаётган шахс;

Йўл ҳаракати мониторинги — йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари ҳолати ҳақидаги ахборотни ҳисобга олиш, умумлаштириш, унга ишлов бериш ва уни таҳлил қилиш;

Йўл ҳаракатини ташкил этиш — йўл ҳаракатини бошқариш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий, ташкилий-техник тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи;

(Давоми 2, 3, 4, 5-бетларда) >>>

АСРЛАРГА ТУТАШГАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОМИЛИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23 — 25 январь кунлари давлат ташрифи билан Хитойда бўлади.

Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг замонавий босқичи 1992 йил 2 январда, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида Хитой Халқ Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатган онлардан бошланди.

Икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг тарихий илдизлари узоқ асрларга бориб тақалади ва бугунги кунда самарали, ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Минтақаларни боғлаб турган, ўзаро ҳамкорлик ва маданий алмашинувга туртки бўлган қадимий Буюк Ипак йўли айни пайтда янгича аҳамият касб этиб, ўз навбатида, мамлакатлар ва халқлар ўртасида иқтисодий, маданий ва гуманитар кўприк бўлиб хизмат қилишда давом этаётди.

Хитой ШХТни ташкил этишда фаол қатнашган ва ҳар икки томоннинг илгари сурилган ташаббус ва таклифларини амалга оширишда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келяпти.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатларининг замонавий ривожланишида давлатларимиз раҳбарлари ўртасида ўрнатилган ишончли ва яқин дўстона мулоқот муҳим роль ўйнамоқда.

Сўнги етти йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва ХХР Раиси Си Цзиньпин кўп томонлама саммитларда учрашди, икки мамлакат раҳбарларининг ўзаро давлат, расмий ва амалий ташрифлари бўлиб ўтди, қатор телефон мулоқотлари амалга оширилди.

ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг

корлик ташкилоти, “Марказий Осиё — Хитой” формати ва бошқа кўп томонлама халқаро тузилмалар доирасида ҳам яқин алоқаларни мустаҳкамлаган ҳолда умумий манфаатларни ҳимоя қилиб, бутун дунёда хавфсизлик ва тараққиётга эришишга ижобий ҳисса қўшмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва

Ташриф олдидан

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Хитойнинг халқаро кун тартибидagi долзарб масалалар, глобал хавфсизлик ва тараққиётни таъминлаш бўйича позиция ва ёндашувлари ўхшаш. Хитой Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт

йўлини, мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўллаш ислохотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Икки давлат БМТ, Шанхай ҳам-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

19 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.



Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди. Сенатнинг қирқ тўққизинчи ялпи

мажлисида дастлаб Олий Мажлис Сенатининг 2023 йилдаги фаолияти яқунларига бағишланган масала атрафлича кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ўтган йил давомида Сенат Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатлари, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида акс этган устувор йўналишлардан келиб чиқиб фаолият юритди.

Жумладан, қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, парламент назоратини кучайтириш, халқаро ва парламентлараро муносабатларни кенгайтириш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятига қўмаклашиш, халқ билан мулоқот самарадорлигига эришишда парламент таъсирини ошириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Қайд этиш жоизки, ўтган йилда миллий тараққиётимизнинг устувор йўналишларини қамраб олган ҳамда инсон қадрини дегад улгуров тамойилни ўзда жамлаган янгилашган Конституция қабул қилинди.

>>>

ЛОНДОНДА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон элчиси Равшан Усмонов Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТБ) бош котиби Казухико Когучи билан учрашув ўтказди. Мулоқот давомида Ўзбекистоннинг ЕТБ билан молиявий ва сарможий ҳамкорлигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сўнги йилларда биргаликда кенг қўллаш дастур ва лойиҳалар амалга оширилганлиги қайд этилди.

Биз ва жаҳон

Шунингдек, томонлар Ўзбекистон ва ЕТБ ўртасидаги муносабатларга янги динамика беришга қаратилган истиқболдаги вазифаларни муҳокама қилдилар.

Бош котиб Казухико Когучи ЕТБ ҳозирги кунда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўллаш демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг билдирди.

“Банкнинг Ўзбекистондаги фаолияти давлат корхоналари ва банкларини ўзгартириш ва хусусийлаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, “яшил” ривожланиш, энергетика ва транспорт лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик механизмларини

жорий этиш ҳамда аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги дастурларини ривожлантиришга қаратилган, деди Когучи.

Учрашувда, шунингдек, жорий йил 25-26 январь кунлари Лондон шаҳрида ЕТБ билан ҳамкорликда ташкил этилаётган “Янги Ўзбекистон — янги имкониятлар, тараққиёт йўлида ижтимоий ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро анжумани юқори даражада ўтказиш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди.

Мулоқот якунида томонлар кўриб чиқилган йўналишларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш бўйича мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқариш мақсадида дипломатик алоқаларни давом эттиришга келишиб олди.

Эслатиб ўтамиз, бугунги кунга қадар ЕТБ Ўзбекистон бўйлаб 146 та лойиҳага салкам 4,5 миллиард евро сарможа киритган.

«Дунё» АА.
Лондон

Қонунчилик палатаси қўмитасида

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯ ТОПГАН ЕТУК КАДРЛАР СУВ БИЛАН ҲАВОДЕК ЗАРУР

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташаббуси билан “Янги Ўзбекистон тараққиётининг маънавий-маърифий ислохотларида зийёларнинг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди.

Парламент куйи палатаси депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, маданият ва адабиёт соҳаси вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда кейинги йилларда мамлакатимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини сақлаш ва тарғиб қилиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, юртимизнинг жаҳон маданий маконига фаол интеграциялашувини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Хусусан, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилгани алоҳида эътироф

этилди. Миллий аъналаримизни асраб-авайлаш ва бойитиш мақсадида Мақом, Бахшчилик ва Аския санъати марказлари ташкил қилинган, “Баҳор” рақс ансамбли, Ўзбекистон давлат филармонияси ва давлат симфоник оркестри каби 20 дан ортиқ муассасалар фаолияти йўлга қўйилгани қайд этилди.

Депутатлар соҳада олиб борилаётган ишларга тўхталиб, мамлакатимиз Президенти раислигида ўтган йил 22 декабрь куни ўтказилган Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида илгари сурилган ташаббуслар, соҳа ривожига қаратилган аниқ режалар маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришга хизмат қилишнинг алоҳида таъкидланди.

>>>

(Давоми 6-бетда) >>>

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Йўл ҳаракати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити – ташкилотларнинг йўлларни лойиҳалаштириш (лойиҳалаш ташкилотидан мустақил равишда), куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш чоғидаги фаолияти натижаларининг йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича норматив-техник ҳужжатларнинг амалдаги талабларига мувофиқлигини текшириш;

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари – йўл ҳаракатини ташкил этиш учун мўлжалланган қурилмалар ва иншоотлар (йўл белгилари, ҳаракатланиш полосалари, светофорлар, милтиловчи маёқчалар, йўл чиққилари, йўл устунлари, тўсиқлари, тезликни чекловчи қурилмалар, шлагбаумлар, хавфсизлик оролчлари, йўл ҳаракатини автоматик бошқариш тизимлари (воситалари), шунингдек бошқа қурилмалар ва иншоотлар);

Йўл ҳаракати хавфсизлиги – йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатларидан ҳимояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати;

Йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти – йўлнинг муайян участкасидаги бир йўналишда транспорт воситалари ҳаракатланиши жадаллигининг энг юқори кўрсаткичи;

Йўл-транспорт ҳодисаси – транспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида ва унинг иштирокида содир бўлган, фуқаролар вафот этган ёки уларнинг соғлиғига зарар etkazилган, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланган ёхуд бошқа моддий зарар etkazилган ҳодиса;

Темир йўл кесимчаси – йўлнинг темир йўллар билан бир сатхта кесилган жойи;

Транспорт воситаси – йўловчиларнинг, бағажнинг, юк бағажининг, юкларнинг, почта ва куръерлик жўнатмаларининг ёки махсус ишлари амалга ошириш учун ускуналарнинг йўлларда ҳаракатланиши ёки ташилиши учун мўлжалланган қурилма;

Транспорт воситаларининг тўхтаб туриш жойлари (бундан буён матнда тўхтаб туриш жойлари деб юритилади) – транспорт воситаларини вақтинча ёки доимий сақлаш учун мўлжалланган, йўлнинг кенгайтирилиб қатнов қисмидан ажратилган участкаси, бино, иншоот (уларнинг бир қисми), махсус очиқ майдонча;

Хайдовчи – транспорт воситасини бошқарувчи шахс. Транспорт воситасини бошқариш ўргатилаётганда ўргатувчи шахс хайдовчи деб ҳисобланади.

5-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принциплар

Йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принциплар куйидагилардан иборат:

- конунийлик;
- тизимлилик;
- илмийлик;
- очиқлик ва ошкоралик;
- фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишининг устуворлиги;
- экологик хавфсизликнинг ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг устуворлиги;
- маҳаллий аҳоли ва йўл ҳаракати иштирокчилари фикрининг инобатга олиниши.

2-боб. Йўл ҳаракати соҳасини тартибга солиш

6-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви

Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаментининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) ички ишлар бўлимлари (ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармалари) жамоат хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари (бундан буён матнда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади) жумласига киради.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди; йўл ҳаракати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва қабул қилади; давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг йўл ҳаракати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради; йўл ҳаракати соҳаси билан боғлиқ мутахассисликлар, касблар ва лавозимлар рўйхатини, шунингдек уларга доир малака талабларини белгилайди; йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичларини шакллантириш, уларнинг ҳисобини юритиш ва улардан фойдаланиш тартибини тасдиқлайди; транспорт воситалари ва йўлларнинг техник ҳолатига, йўлларда ва темир йўллар кесимчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигига доир ягона талабларни белгилайди; транспорт воситаларининг хайдовчиларини тайёрлашга, шунингдек аҳолига Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатишга доир умумий талабларни белгилайди; хайдовчиларни, транспорт воситаларини, Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишларини, йўл-транспорт ҳодисаларини ва йўл ҳаракати соҳасидаги бошқа маълумотларни ҳисобга олишнинг ягона тизимини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари: йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этади; йўл ҳаракати соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди; хўжаликлараро қишлоқ йўлларида, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида йўл ҳаракати мониторингини ташкил этади ҳамда амалга оширади; хўжаликлараро қишлоқ йўлларида, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида жойлашган тўхтаб туриш жойларининг, шу жумладан пулли тўхтаб туриш жойларининг реестрини юритади;

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишувга кўра, хўжаликлараро қишлоқ йўлларида, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари ўрнатилишини, алмаштирилишини, олиб ташланишини ва уларга техник хизмат кўрсатилишини амалга оширади;

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари жойлашувини юритади ҳамда уларнинг жойлашувга мувофиқлиги ва техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади;

Йўл ҳаракати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади; йўлларга туташ бўлган ҳудудларда хизмат кўрсатиш инфратузилмаси объектиларини ташкил этади ва ривожлантиради;

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тиббий жиҳатдан таъминланишини, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

хўжаликлараро қишлоқ йўлларининг, туманлар (шаҳарлар), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар кўчаларининг, шаҳар электр транспорти йўлларининг, шунингдек йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг жиҳозланишини ва соз ҳолатда сақланишини таъминлайди;

Йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикаси бўйича чоралар кўради, аҳоли ўртасида Йўл ҳаракати қоидаларига rioя этилиши бўйича тарғиботни амалга оширади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар:

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

йўл ҳаракати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади;

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади; йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади ҳамда уларни ўтказишга доир услубий тавсияларни тасдиқлайди;

умумий фойдаланишдаги йўлларда йўл ҳаракати мониторингини ташкил этади ва амалга оширади;

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишувга кўра, умумий фойдаланишдаги йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш лойиҳаларини тайёрлайди, ушбу воситаларни ўрнатиш, алмаштириш, олиб ташлашни ва уларга техник хизмат кўрсатишни амалга оширади;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари жойлашувини юритади ҳамда уларнинг жойлашувга мувофиқлиги ва техник ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

йўлларнинг ҳаракат учун хавfli участкаларини аниқлайди ва бундай участкаларда йўл ҳаракатини ташкил этишни тақомиллаштириш бўйича чоралар кўради;

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудитини ўтказида;

йўл ҳаракатини ташкил этишда, йўллардан фойдаланишда, шунингдек йўл ҳаракати иштирокчиларига логистикани ташкил этиш ва хизматлар кўрсатиш чоғида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

йўл ҳаракати соҳасида банд бўлган мутахассисларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни амалга оширади;

умумий фойдаланишдаги йўллар бўйида жойлашган тўхтаб туриш жойларининг, шу жумладан пулли тўхтаб туриш жойларининг реестрини юритади;

огир вазнли, йирик габаритли, хавfli ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини белгилайди, шунингдек йўл-хизмат кўрсатиш объектиларини жойлаштиришни келишди;

Йўлларни, темир йўллар кесимчаларини, шунингдек автомобилларга ёқилги қуйиш станцияларини ҳамда йўл бўйи ҳудудларида жойлашган бошқа хизмат кўрсатиш объектиларини куриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш лойиҳаларини йўл ҳаракатини ташкил этишга oid қисм бўйича кўриб чиқади ва келишди; курилиши (реконструкция қилиниши) ва капитал таъмирланиши тугалланган йўл объектиларини, темир йўллар кесимчаларининг фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

Темир йўллар кесимчаларида фойдаланиш, уларнинг очилиши ва ёпилиши тартибини белгилайди; экстремал иқлим шароитларида, хусусан, ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетган шароитларда йўлларнинг ва йўл сунъий иншоотларининг техник ҳолатини сақлаш мақсадига сўтканинг муайян вақтида N2, N3 ва M3 т о и ф а с и д а г и т р а н с п о р т в о с и т а л а р и н и н г ҳаракатланишини белгиланган тартибда чеклайди.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати:

йўл ҳаракати соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этади;

йўл ҳаракати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади;

Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка rioя этилиши устидан давлат назоратини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

огир вазнли, йирик габаритли, хавfli ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини белгилашда иштирок этади;

Йўлларни, темир йўллар кесимчаларини, шунингдек автомобилларга ёқилги қуйиш станцияларини ва йўллар бўйлаб ҳамда йўл бўйи ҳудудларида жойлашган бошқа иншоотларни куриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш лойиҳаларини йўл ҳаракатини ташкил этишга oid қисм бўйича кўриб чиқади ва келишди;

курилиши (реконструкция қилиниши) ва капитал таъмирланиши тугалланган йўл объектиларини, темир йўллар кесимчаларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этади;

Фойдаланишдаги транспорт воситаларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга оширади, транспорт воситаларининг мажбурий техник куригини ўтказди (бундан жисмоний шахсларга тегишли бўлган M1 тоифасидаги транспорт воситалари мустасно);

йўл ҳаракатининг мониторингини ташкил этади ва амалга оширади;

Йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг техник ҳолати, шунингдек йўлларнинг ва темир йўллар кесимчаларининг сақланиши, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш воситалари билан жиҳозланиши устидан назоратни амалга оширади;

Йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўллардан ва темир йўллар кесимчаларидан фойдаланишни белгиланган тартибда тақиқлайди;

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширади;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш ёки олиб ташлаш юзасидан йўл эгаларига қўрсатмалар киритади, уларни бажариш мўддатлари ва сифати устидан назоратни амалга оширади;

Йўлда (йўлнинг участкасида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ чеклайди ёки тақиқлайди;

йўл ҳаракати соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этади;

Йўлларда ва йўл бўйи ҳудудларида ишларни амалга ошириш бўйича тегишли ташкилотлар билан келишилган тақлифларни кўриб чиқади;

ўз ваколатлари доирасида давлат органларига ёки бошқа ташкилотларга, уларнинг мансабдор шахсларига йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишга доир фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш ҳақида, бирон-бир йўл участкасида ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи, Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига имкон берувчи вазият юзага келганда камчиликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритади, мазкур ёзма тақдимномаларни бажариш чоралари кўрилмаган тақдирда маъмурий жазолар кўллабди;

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари лойиҳалаштирилишини, ўрнатилишини (монтаж қилинишини), алмаштирилишини, олиб ташланишини ташкил этади, бу ишларнинг бажарилишини назорат қилади;

Тошкент ва Нукус шаҳарларининг, вилоят, туман (шаҳар) марказларининг кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатишни (монтаж қилишни), алмаштиришни, олиб ташлашни ҳамда уларга техник хизматлар кўрсатишни амалга оширади;

Тошкент ва Нукус шаҳарларининг, вилоят, туман (шаҳар) марказларининг кўчаларида йўл ҳаракатини ташкил этиш техник воситаларининг жойлашувини юритади ва уларнинг жойлашувга мувофиқлиги ҳамда техник ҳолати устидан давлат назоратини амалга оширади;

транспорт воситаларининг, Йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳисобини юритади ва уларнинг рўйхатга олинишини амалга оширади;

миллий хайдовчилик гувоҳномаларини, автоматотранспорт воситалари рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни ҳамда автоматотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини беради;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати:

махсус ваколатли давлат органларига кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишларида (доимий, мунтазам ва заҳира) бўйлаб йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш тўғрисида тақлифлар киритади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва заҳира) бўйлаб жойлашган ер ости коммуникация тармоқларини, темир йўллар кесимчаларини, автомобилларга ёқилги қуйиш станцияларини, йўл объектиларини таъмирлаш, куриш, реконструкция қилиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқади ва келишди;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар ва уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва заҳира) бўйлаб жойлашган, курилиши режалаштирилган объектиларга олиб боровчи алоҳида йўлларни очиш ёки ёпиш тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари киритадиган тақлифларни Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан ўрганилганидан кейин келишди;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар атрофида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишлари (доимий, мунтазам ва заҳира) бўйлаб йўл ҳаракатини ташкил

этишнинг техник воситаларини ўрнатиш (монтаж қилиш), алмаштириш ва олиб ташлаш бўйича тақлифларни кўриб чиқади;

кўриқланадиган шахслар турган объектлар ҳудудида ҳамда уларнинг ҳаракатланиш йўналишларида (доимий, мунтазам ва заҳира) йўл ҳаракатини ташкил этиш ҳамда йўл ҳаракати устидан навбатдан ташқари назорат олиб бориш юзасидан махсус ваколатли давлат органларига топшириқлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасининг йўл ҳаракати соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси:

Божхона постлари ҳудудларида йўл ҳаракатини ташкил этади;

Божхона постлари ҳудудларини йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари билан таъминлайди; чет давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва хайдовчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Йўл ҳаракати қоидаларини бузган транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб чиқиб кетаётган хайдовчилардан ёки бошқа шахслардан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тайинланган жарималар ундирилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларини амалга оширишда иштирок этиши

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар:

йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга оширишда, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларининг профилактикасида иштирок этади; йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни, йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатларни тақомиллаштириш бўйича тақлифлар киритади; йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан йўл ҳаракати соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқишда қонунчиликда назарда тутилган тартибда иштирок этади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

14-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда иштирок этиши

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари жалб этилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни амалга оширишда қонунчиликда белгиланган тартибда иштирок этади.

15-модда. Йўл эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Йўл эгаси куйидаги ҳуқуқларга эга:

Йўлларни куриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини келишиб олиш ва тасдиқлашда, шунингдек таъмирлаш ишларини ташкил этишда иштирок этиш; экстремал иқлим шароитларида, хусусан, ҳаво ҳарорати кўтарилиб кетган шароитларда йўлларнинг ва йўл сунъий иншоотларининг техник ҳолатини сақлаб туриш мақсадида сўтканинг муайян вақтида N2, N3 ва M3 тоифасидаги транспорт воситаларининг ҳар

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Йўл ҳаракати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

экстремал иқлим шaroитларида, йўлнинг қатнов қисмида яхмалак ҳосил бўлганда ва фавқулодда вазиятлар рўй берганда йўл ҳаракатини ташкил этишдаги ўзгаришлар ҳақидаги ахборотни дарҳол махсус ваколатли давлат органларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юбориши, шунингдек бу ҳақда йўл ҳаракати иштирокчиларини хабардор қилиши шарт.

Йўл эгасининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-бoб. Йўл ҳаракатини ташкил этиш ва мониторинг қилиш

16-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир умумий талаблар

Йўл ҳаракатини ташкил этиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга жавоб берадиган техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида йўл ҳаракатини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган ягона тартиб асосида амалга оширилади.

Йўлларда транспорт воситаларининг ўнг томонлама ҳаракати белгиланади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилади.

17-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирлар

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирлар жумласига қуйидагилар киради:

транспорт оқимларининг ҳаракатланиш полосалари бўйича тақсимланишини бошқариш, шу жумладан транспорт оқимларининг ҳаракатланишини транспорт воситаларининг тоифаларига, ҳаракат тезлигига ва йўналишига, уларнинг ҳаракатланиш вақтига қараб гуруҳларга бўлиш;

йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, шу жумладан транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи тўсиқлар ва шароитларни бартараф этиш, қорраҳаларни реконструкция қилиш, йўл ўтказгичларни қуриш;

светофор объектларини тизимли бошқариш, уларнинг йўл ҳаракатини тартибга солиш циклларини мақбуллаштириш;

йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатларда белгиланган ҳудудлар чегараларида светофор объектлари кўрсаткичларининг ўзарo алоқадорлигини белгилаш; пидедалар ва велосипедчилар ҳаракатини таъминлаш, шу жумладан пидедалар ўтиш жойларини ва велосипедчилар йўлакларини белгилаш, қуриш, жиҳозлаш ҳамда тартибга солиш мақсадида йўл инфратузилмасини ривожлантириш;

йўналишни транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун устуворликни жорий этиш;

йўлдан ташқарида тўхтаб туриш жойларини ривожлантириш;

транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш.

Транспорт воситаларининг йўлларда тақсимланишини бошқаришда йўлларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва таъмирлаш бўйича тадбирлар, шунингдек йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган капитал қурилишнинг бошқа турлари ҳисобга олиниши керак.

Миллий стандартлар талабларига мувофиқ бўлмаган йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир тадбирлар махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бевосита ёки қороналар, муассасалар ва ташкилотларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектларини қонунчиликда белгиланган тартибда жалб этган ҳолда амалга оширилади.

18-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичларидан махсус маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ваколатли давлат органлари томонидан йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатишда, йўл ҳаракатининг мониторингини амалга оширишда, йўлнинг ўтказувчанлик қобилиятини аниқлашда, транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклашда ёки тақиқлашда фойдаланилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

йўл ҳаракатини тавсифловчи кўрсаткичлар – йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти, ҳаракатнинг жадаллиги, транспорт оқимининг таркиби, транспорт воситалари ҳаракатланишининг ўртача тезлиги, йўлнинг бир километрида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг ўртача сони (ҳаракат зичлиги);

йўлнинг транспорт-эксплуатация кўрсаткичлари – ҳаракатланишини белгиланган тезлик билан таъминланганлиги, йўлнинг ўтказувчанлик қобилияти, йўлнинг ҳаракатланиш билан юкланганлик даражаси, ҳаракатнинг узлуксизлиги ва қулайлиги, йўлнинг тоифасига қараб транспорт воситаларининг ўқларига тушадиган оғирликка ва юк кўтариш қобилиятига кўра ўтказиш қуввати ёки умумий юк кўтариш ҳажми;

йўлнинг геометрик ва физик кўрсаткичлари – қатнов қисмининг ҳамда йўл ёқаси мустаҳкамланган қисмининг кенглиги, бўйлама қяликларнинг катталиги, тик ва ётиқ эгриликлар радиуслари, бурилишларнинг йўл тупроқ кўтармаси ёнбағирларининг нишаблиги, қўрнучванлик масофалари, кўприклар, йўл ўтказгичларининг ҳамда бошқа йўл сунъий иншоотларининг ўлчамлари, юк кўтариш қуввати, муҳандислик иншоотларининг ва йўл элементларининг ҳолати, қатнов қисмининг ҳамда йўл бўйидаги қопламаларнинг кенглиги, йўл тупроқ кўтармасининг мустаҳкамлиги, ўзгарувчанлиги, ёпишувчанлиги ҳамда ҳолати, гидроизоляция тизимининг ҳолати ва яроқлилиги;

йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракат давомида вақт йўқотишини (кечикишини) тавсифловчи кўрсаткичлар, тирбанд жойлар сони;

йўл ҳаракати хавфсизлигини тавсифловчи кўрсаткичлар – содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг, йўл транспорт ҳодисалари оқибатида баданига шикаст етказилган ва ҳалок бўлган шахсларнинг, авария ўчоқларининг, шунингдек Йўл ҳаракати қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг сони.

19-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари давлат стандартлари талабларига мувофиқ қўлланилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларига доир талаблар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

20-мoддa. Ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари)

Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга монелик қилувчи ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

21-мoддa. Йўлнинг таъмирлаш ишлари олиб бoриладгган участкаларида йўл ҳаракатини ташкил этиш

Йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишлар бажарилаётганда йўлнинг мазкур участкаларидаги қатнов қисмининг кўпи билан эллик фоизи ўтиш учун чекланиши ёки ёпилиши мумкин.

Йўл участкаларида қатнов қисмининг эллик фоизидан кўпрогини ёпиш зарур бўлган тақдирда мазкур йўл участкаларини айланиб ўтиш таъминланиши керак.

Йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишлар бошланишидан ёхуд йўл участкаларида бошқа ишлар амалга оширилишидан уч қон олдин ва ушбу ишларни бажариш даврида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг зарур техник воситалари ўрнатилади.

Йўл участкаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишларни бажариш тўғрисидаги ёхуд йўл участкаларида бошқа ишларни амалга ошириш ҳақидаги ахборот оммавий ахборот воситаларига олдиндан жойлаштирилади.

Йўл участкасини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ёки таъмирлаш бўйича ишларни бажариш чоғида ушбу ишларни бажаришга доир шартномаларда белгиланмаган тўсиқларни ўрнатишга йўл қўйилмайди.

22-мoддa. Капитал қурилиш объектларида йўл ҳаракатини ташкил этиш тартиби

Капитал қурилиш объектларида йўл ҳаракатини ташкил этишда шахарсозлик нормалари ва қоидаларида кўрсатилган йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини таъминлаш талаблари ҳисобга олинади.

Капитал қурилиш объектларини йўл ҳаракатини ташкил этиш талабларини бузган ҳолда жойлаштиришга йўл қўйилмайди.

23-мoддa. Йўлларда (йўл участкаларида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш

Йўлларда (йўл участкаларида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш тегишли ваколатли давлат органларининг ахборотига асосан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

йўл ҳаракати хавфсизлигига, шу жумладан фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлигига таҳдид бўлганда; экстремал иқлим шароитлари, табиий офатлар, авариялар, ёнгинлар, табиий ҳамда техноген хусусиятли бошқа фавқулодда вазиятлар рўй бeриши ҳавфи ҳақида белгиланган тартибда оғохлантириш келиб тушганда;

экстремал иқлим шароитлари, табиий офатлар, авариялар, ёнгинлар, табиий ҳамда техноген хусусиятли бошқа фавқулодда вазиятлар рўй берганда;

йўл-транспорт ҳодисалари содир этилганда; қонунда назарда тутилган тезқор-қидирув тадбирлари, шунингдек процессуал ҳаракатлар амалга оширилаётганда;

оммавий тадбирлар (спорт тадбирлари ва маданий тадбирлар, кино- ва фототасвирга олиш, оммавий сайрлар, ярмаркалар, оммавий юришлар ҳамда бошқа тадбирлар) ўтказилаётганда;

қўриқланадиган шахслар йўлда ҳаракатланаётганда. Йўлларда (йўл участкаларида) транспорт воситаларининг ҳаракатланишини чеклаш ёки тақиқлаш қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Йўл эгалари томонидан жалб қилинадиган йўлларни таъмирлаш ва сақлаш бўйича ташкилотлар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек йўлнинг (йўл участкасининг) транспорт-эксплуатация сифати ёмонлашганда ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, таъмирлаш-қурилиш ишлари олиб бoриладгганда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини бу ҳақда хабардор қилган, йўллардан фойдаланувчиларни оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилиб хабардор этган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этишнинг тегишли техник воситаларини ўрнатган ҳолда, транспорт воситаларининг ҳаракатланишини Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бўлинмалари билан келишувга кўра чеклаш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

Йўл эгалари йўллардаги ёки уларнинг айрим участкаларидаги ҳаракатланишни ажратилган минтақада ишлар олиб бoриладгганда бундай ишларни олиб бoриш транспорт воситалари ва пидедаларнинг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳолларда ҳам чеклашга ёки тақиқлашга ҳақли.

Ишларни олиб бoриш учун йўлларда ёки уларнинг айрим участкаларида ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш йўллар эгаларининг розилиги билан амалга оширилади.

Шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, йўлларда (йўл участкаларида) ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш ишларни амалга ошириш учун олдиндан розилик олмасдан туриб, бироқ йўлларнинг эгаларини ва Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилган ҳолда жорий этилиши мумкин.

24-мoддa. Тўхтаб туриш жойларига доир талаблар

Кўп квартирали уйларга туташ ҳудудларнинг белгиланган чегараларида тўхтаб туриш жойларини қуриш тўғрисидаги қарорлар ҳудудни режалаштириш бўйича тасдиқланган ҳужжатларга мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинади. Бунда қурилиш ишлари шахарсозлик

нормалари ва қоидаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларини жойлаштириш экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга, аҳолининг соғлиги ва осийшталигига салбий таъсирни камайтириш ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларининг белгиланган мақсади ва имкониятлари (жойлар сони) шахарсозлик нормаларига ва қоидаларига мувофиқ белгиланади.

Тўхтаб туриш жойларига бўлган эҳтиёжларни аниқлаш учун мазкур ҳудудда фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилиши учун зарур бўлган транспорт воситаларининг сони, шунингдек уларнинг келгусида кўпайтирилиши инобатга олинади.

Тўхтаб туриш жойлари йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича ҳужжатларда кўрсатилган эҳтиёжга мос келадиган миқдорда ташкил қилинади.

Тўхтаб туриш жойларини рўйхатга олиш йўл эгаси томонидан амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларида тўхтаб туриш жойининг кириш ёки ундан чиқиш жойига туташ бўлган алоҳида жойлар ноғиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган ва ушбу шахсларни ташйидиган транспорт воситалари учун қонунчиликка мувофиқ мажбурий тартибда ажратилади.

Электр двигателда ишлайдиган транспорт воситалари учун алоҳида жойлар ажратилади. Бундай жойларда электр қувват манбаларига уланиш имконияти яратилиши мумкин.

Тўхтаб туриш жойларидан фойдаланишга монелик қиладиган тўсиқларни ва бошқа конструкцияларни ўрнатиш тақиқланади.

Тўхтаб туриш жойларига транспорт воситаларининг киришини, улардан чиқишини ва бу жойларда ҳаракатланишини ташкил этиш махсус ваколатли давлат органлари билан келишилган лойиҳага мувофиқ амалга оширилади.

Тўхтаб туриш жойларидан фойдаланувчилар транспорт воситаларини жойлаштиришда тўхтаб туриш жойларининг эгалари томонидан белгиланган тўхтаб туриш жойларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этиши шарт. Умумий фойдаланишдаги тўхтаб туриш жойларининг эгалари тўхтаб туриш жойларидан фойдаланиш қоидаларини ҳамма учун қулай бўлган жойларга танишиб чиқиш учун жойлаштириши шарт.

Тўхтаб туриш жойларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат мазкур тўхтаб туриш жойларининг эгалари томонидан амалга оширилади.

Ушбу моддада белгиланган, тўхтаб туриш жойларига доир талабларга риоя этилиши устидан назорат махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

25-мoддa. Пулли тўхтаб туриш жойларига доир талаблар. Пулли тўхтаб туриш жойлари эгаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўлов миқдорини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган чекланган миқдорлардан юқори бўлмаган тарифлар бўйича мустақил равишда белгилайди.

Пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун тўлов нақд пул шаклида ёки нақд пулсиз шаклда, тўлов тизимларидан, шу жумладан автоматлаштирилган тўлов тизимларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

Пулли тўхтаб туриш жойларини ташкил этиш чоғида ушбу Қонуннинг 24-моддасида белгиланган талаблар бажарилади.

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

пулли тўхтаб туриш жойларидан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган фойдаланувчиларнинг рўйхатини белгилаш;

пулли тўхтаб туриш жойларидан бепул ёки имтиёзли фойдаланиш ҳуқуқи бериладиган транспорт воситаларининг рўйхатини белгилаш.

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари: пулли тўхтаб туриш жойларидан фойдаланганлик учун автоматлаштирилган тўлов тизимини жорий этиши;

пулли тўхтаб туриш жойлари ташкил этилган ҳудудда йўл белгилари ўрнатилишини, шунингдек видеокузатув тизимлари ёки қўриқлашнинг бошқа техник воситалари ўрнатилиши ва узлуксиз ишлашини таъминлаши;

тўхтаб туриш жойининг кириш ёки ундан чиқиш жойига туташ бўлган тўхтаб туриш жойлари орасидан ноғиронлиги бўлган шахслар бошқарадиган ёки уларни ташйидиган транспорт воситалари учун тўхтаб туриш жойлари ажратилишини таъминлаши шарт.

Пулли тўхтаб туриш жойларининг эгалари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

26-мoддa. Йўл ҳаракати мониторинги

Йўл ҳаракати мониторинги махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати мониторингини амалга ошириш мақсадида махсус ваколатли давлат органларида алоҳида бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

4-бoб. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатлар

27-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатларга оид умумий талаблар

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Йўл ҳаракатини ташкил этишга доир ҳужжатлар фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги муҳофаза қилинишини, экологик хавфсизликни таъминлаш ҳамда атроф-муҳитга транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтириш ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади.

28-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар йўл ҳаракатини ташкил этишнинг стратегик йўналишларини белгилаш ҳамда йўл ҳаракатини бошқариш самарадорлигини таъминлаш юзасидан қарорлар қабул қилиш учун ишлаб чиқилади. Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар туманлар (шаҳарлар) кесимида беш йил муддатга ишлаб чиқилади ҳамда улар асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳри бўйича комплекс дастурлар тайёрланади.

Туманларнинг (шаҳарларнинг), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларнинг кўчаларида, шунингдек ҳўжалик йўлларида йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Умумий фойдаланишдаги йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тайёрланади ва тасдиқланади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурларда қуйидагилар назарда тутилади:

йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирлар; атроф-муҳитга транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтиришни таъминлаш бўйича тадбирлар; йўл ҳаракатини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш;

аҳолиси беш юз минг нафар кишидан ортиқ бўлган шаҳарларда – транзит ташувчилар учун айланиб ўтиш (ҳалқа) йўллари ҳақидаги, тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳарга кирилаётганда тўхтаб туриш жойлари тўғрисидаги, шаҳар ҳудудидаги мавжуд тўхтаб туриш жойлари ҳақидаги автоматлаштирилган ахборот тизимларини жорий этиш;

йўлларни ва йўл объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда таъмирлаш бўйича тадбирлар.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурларда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурлар оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан махсус ваколатли давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

29-мoддa. Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича комплекс дастурларда кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш, шунингдек оғир вазни, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишларини белгилаш мақсадида лойиҳалаш ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади.

Халқаро аҳамиятга эга бўлган йўлларда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари халқаро нормалар талаблари ҳисобга олинган ҳолда бажарилади.

Оғир вазни, йирик габаритли, хавфли ва махсус юкларни ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишлари бўйича йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларини ишла

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Йўл ҳаракати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

хавфни тўлиқ бартараф этиш имкони бўлмаган йўл участкаларида рўй бериши мумкин бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг оқибатларини имкон қадар камайтириш учун самарали ечимларни қўллаш;

йўлларни лойиҳалаштириш ва қуриш bosқичларида камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш орқали йўлдан фойдаланиш чоғида камчиликларни бартараф этишга доир харажатларни камайтириш.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаларининг аудити натижасида тайёрланган тавсиялар тегишли bosқичда буюртмачига ва ишларни бажарувчиларга (режалаштирувчи ташкилотга, лойиҳалаштирувчи ташкилотга, пудратчи ташкилотга, фойдаланувчи ташкилотга) кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасининг аудити натижалари бўйича хулоса тузилиб, унда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳаси қонунчилик талабларига мувофиқ эканлиги ёки мувофиқ эмаслиги кўрсатилади.

Агар йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасининг аудити натижасида лойиҳанинг қонунчилик талабларига мувофиқ эмаслиги аниқланса, мазкур лойиҳага тегишли ўзгартишлар киритилади.

32-модда. Йўлларни лойиҳалаштиришга, қуришга, реконструкция қилишга, таъмирлашга ва сақлашга доир талаблар

Йўлларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Қурилган ва реконструкция қилинган йўлларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан аниқланади.

Лойиҳалаштириш bosқичида йўлларнинг йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги учун жавобгарлик йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқувчининг, қурилиш ва реконструкция қилиш bosқичларида эса ишларни бажарувчининг зиммасига юклатилади.

Йўлларни таъмирлаш ва сақлаш чоғида уларнинг ҳолати йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш мажбурияти йўл эгаларининг зиммасига юклатилади.

Йўл эгаларининг ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида йўл ҳаракати иштирокчиларига ва транспорт воситасига etkазилган зарарнинг ўрни қонунчиликда белгиланган тартибда йўл эгалари томонидан қопланади.

33-модда. Йўлларда хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш

Йўлларнинг эгалари хизмат кўрсатиш объектларини лойиҳалаштириш нормаларига, уларни қуриш режаларига ва уларни joyлаштиришнинг бош схемаларига мувофиқ ўз ихтиёридаги йўлларда мазкур объектларни барпо этиш чораларини кўради, йўл ҳаракати иштирокчиларининг эҳтиёжларини қаноатлантириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида хизмат кўрсатиш объектларининг ишини ташкил этади, йўл ҳаракати иштирокчиларига бундай объектларнинг мавжудлиги ҳамда энг яқин соғлиқни сақлаш ва aloқа муассасаларининг joyлашуви ҳақидаги axборотни, шунингдек йўлларнинг тегишли участкаларида ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари тўғрисидаги axборотни тақдим этади.

5-бoб. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар

34-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўл-транспорт ҳодисалари рўй бериши сабабларининг олдини олишга ва уларнинг оқибатларини юмшатишга қаратилган фаолиятдир.

35-модда. Транспорт воситалари эгаларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятлари

Транспорт воситасига мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда эгалик қилувчи шахс транспорт воситасининг эгасидир. Транспорт воситасини ўз хизмат ёки меҳнат мажбуриятларини бажариш учун, шу жумладан транспорт воситасининг мулкдори ёхуд бошқа эгаси билан тузилган меҳнат шартномасига ёки фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномага асосан бошқарувчи шахс транспорт воситасининг эгаси бўлмайди.

Транспорт воситаларининг эгалари: техник жиҳатдан соз транспорт воситаларидан фойдаланиши;

транспорт воситаларининг тегишли малакага эга бўлган ва тиббий кўрикдан ўтган шахслар томонидан бошқарилишига ихозат бериши;

транспорт воситаларидан фойдаланиш чоғида бошқа шахсларнинг ҳаётига, соғлигига ва (ёки) мулкига зарар etkазганлик учун ўз фуқаролик жавобгарлигини «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мажбурий суғурта қилишни амалга ошириши;

транспорт воситаларининг алкоғолдан маст ҳолатда ёки психоактив моддалар таъсири ostида ёхуд ўта чарчоқ ҳолатда бўлган шахслар томонидан бошқарилишига йўл қўймаслиги;

йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши шарт.

36-модда. Транспорт воситаларига, улар конструкцияларининг таркибий қисмларига, эҳтиёт қисмларга, эҳтиёт қисмларга ва анжомларга доир талаблар

Транспорт воситалари, улар конструкцияларининг таркибий қисмлари, эҳтиёт қисмлар ва анжомлар транспорт воситасининг техник параметрларига ҳамда йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак ҳамда қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда мажбурий равишда сертификатлаштирилиши лозим.

37-модда. Транспорт воситаларининг техник ҳолатига ва усқуналарига доир талаблар

Транспорт воситаларининг техник ҳолати ва усқуналари йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар

талабларига мувофиқ бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланишда бўлган ва белгиланган тартибда рўйхатга oлинган транспорт воситалари мажбурий равишда техник кўрикдан ўтказилади.

Транспорт воситаларини мажбурий равишда техник кўрикдан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

38-модда. Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишга ва уларни таъмирлашга доир талаблар

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар мазкур хизматларни йўл ҳаракати соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ кўрсатиши шарт.

39-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш

Йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Транспорт воситаларининг техник носозликлари рўйхати ва бундай носозликлар мавжуд бўлганда улардан фойдаланишни тақиқлайдиган шартлар Йўл ҳаракати қоидаларида белгиланади.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тақиқлаш қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

40-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларга доир асосий талаблар

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар: ҳайдовчиларнинг ишини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи талабларга мувофиқ ташкил этиши; ҳайдовчиларнинг қонунчиликда белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш режимиغا риоя этиши; ҳайдовчиларнинг малакасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши;

транспорт воситаларининг соzлигини ва бут сақланишини таъминлаши, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўймаслиги; ўзига тегишли транспорт воситалари иштирокида содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг ва Йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг сабабларини таҳлил қилиши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши;

тиббиёт ходимларини жалб этган ҳолда ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикларини, ҳайдовчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаларига жабрланганларга ҳодиса юз берган жойнинг ўзиде, тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилинч ёрдам кўрсатиш бўйича қўқимчаларни тақомиллаштиришга доир тадбирларни ташкил этиши ва ўтказиши;

ходим ўз меҳнат вазибаларини бажариши билан боғлиқ бўлган ҳолда меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллигига чалинганлиги ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланганлиги муносабати билан унинг ҳаётига ёки соғлигига etkазилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниде белгиланган тартибда суғурталаши шарт.

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахслар зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Автомобиль транспортда ёки ер усти шахар электр транспортда йўловчилар, багаж ва юк ташиш фаолиятини амалга ошираётган юридик шахслар ташишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳайдовчиларга нисбатан йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ қўшимча талаблар қўйиши мумкин.

Юридик шахслар транспорт воситаларининг сонига қараб йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича хизматларни ташкил этади ёки лавозимлар жорий этади. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг сонини аниқлаш нормативлари қонунчиликда белгиланади.

Юридик шахслар томонидан ўтказилганда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир тадбирларни молиялаштириш уларнинг ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

41-модда. Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг ходимларини йўл ҳаракати хавфсизлиги масалаларини бўйича ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва уларнинг билимларини текшириш

Транспорт воситаларидан фойдаланишга боғлиқ фаолият билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурлар бўйича уч йилда камида бир марта ўз малакасини ошириб, малака имтиҳони топириши керак.

42-модда. Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчиларнинг ҳуқуқлари

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар куйидаги ҳуқуқларга эга: иш берувчидан ҳаракатланиш йўналиши, ташилладиган юк

ҳақида, ўз ҳаёти ва соғлиги учун мавжуд бўлган таҳдид тўғрисида, шунингдек ташишни амалга ошириш чоғида зарарли ва (ёки) хавфли омиллар таъсиридан ўзининг ҳимоя қилинишига доир чора-тадбирлар ҳақида ишончли axборот олиш;

белгиланган талабларга мувофиқ шахсий ҳимоя воситалари, махсус кийим-бош билан таъминланиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича шарт-шароитларни яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;

ўз ҳаёти ва соғлигига таҳдид соладиган вазият юзага келган тақдирда, ташишни бажаришни бевосита раҳбарини ёки иш берувчининг бошқа вакилини бу ҳақда хабардор қилган ҳолда рад этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида малакасини ошириш ва касбий қайта тайёргарликдан ўтиш;

меҳнат вазибаларини бажариш чоғида ўз соғлигига etkазилган зарарнинг ўрни қопланиши;

иш берувчининг йўл ҳаракати соҳасидаги fairхуқуқий қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш.

Меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган ҳайдовчилар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

43-модда. Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўлларда ҳаракатланишнинг хавфсиз шарт-шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан қафолатланади.

Йўл ҳаракати иштирокчиларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг ҳуқуқларини чекамаслиги ёки бузмаслиги керак.

Йўл ҳаракати иштирокчилари куйидаги ҳуқуқларга эга: Йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўлларда эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш;

қонунчиликда назарда тутилган ўз ҳуқуқларининг чекланиши ёки бузилиши сабаблари тўғрисида махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тушунтиришлар олиш;

ҳаракатланишнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган техник воситалар ва хизматларнинг сифати ҳақида тўлиқ ҳамда ишончли axборот олиш;

йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда қонунчиликка мувофиқ зиммасига беғул тиббий ёрдам кўрсатиш, қўтарув ишларини олиб бориш ва бошқа шошилинч ёрдам кўрсатиш мажбурияти юклатилган ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслардан шундай ёрдамлар олиш;

йўл-транспорт ҳодисаси натижасида ўзига тан жароҳатлари etkазилган, транспорт воситаси ва юк шикастланган ҳолларда, қонунчиликда белгиланган тартибда зарарнинг ўрни қопланиши, шунингдек маънавий зарар компенсация қилиниши;

махсус ваколатли давлат органларининг ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг йўл ҳаракати соҳасидаги қонунга xилоф қарорлари, шунингдек улар мансабдор шахсларининг қонунга xилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш;

йўл белгиларини, чизикларини, светофорларни ўзгартириш ва ўрнатиш юзасидан, йўл қопламасининг ҳолати ҳақидаги тақлифлар ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир бошқа тақлифлар билан тегишли органларга мурожаат этиши.

Йўл ҳаракати иштирокчилари: йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

йўл ҳаракати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларининг қонуний талабларини бажариши шарт.

Йўл ҳаракати иштирокчилари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

44-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи

Куйидагиларни: мотоцикллар, мотороллерларни ва бошқа мотортранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи – ўн олти ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп ogирлиги 3500 килограммдан ва ўриндиқлар сони ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан oшмайдиган автомобилларни бошқариш ҳуқуқи, бундан тақси мустасно – ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;

рухсат этилган энг кўп ogирлиги 3500 килограммдан oшадиган юк автомобильларини бошқариш ҳуқуқи – ўн саккиз ёшга тўлган шахсларга берилади;

тақси сифатида фойдаланиладиган автомобилларни, шунингдек йўловчилар ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчининг ўриндиғидан ташқари саккизтадан ortиқ ўриндиғи бўлган автомобилларни, трамвайлар ва троллейбусларни бошқариш ҳуқуқи – йигирма бир ёшга тўлган шахсларга берилади;

транспорт воситалари таркибларини бошқариш ҳуқуқи – ушбу қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи ҳайдовчиларида кўрсатилган транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга транспорт воситасини бошқариш стажи ўн икки oйдан кам бўлмаган тақдирда берилади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи тиббий текширувдан ўтган ва малака имтиҳонларини топириган шахсларга бериладиган белгиланган намунадаги гувоҳнома билан тасдиқланади.

Малака имтиҳонларини топириши ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига доир гувоҳномани бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган талабларга мувофиқ бўлган миллий ва халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари амал қилади.

45-модда. Ҳайдовчиларни тайёрлашга доир талаблар

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун малака имтиҳонларини топиришга тегишли тоифадаги ҳайдовчилар тайёрлашнинг ўқув режалари ва дастурларида назарда тутилган ҳажмда тегишли тайёргарликдан ўтган шахслар қўйилади.

Тегишли тоифалардаги ҳайдовчиларни тайёрлашнинг ягона дастурлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади.

46-модда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқининг бекор қилиниши

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи куйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ҳайдовчининг соғлиги транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий хулоса билан тасдиқланганда;

ҳайдовчи содир этилган ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганда.

Жавобгарлик чораси сифатида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг турлари қонунда белгиланади.

Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан қўлланилади.

6-бoб. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш

47-модда. Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш асослари

Йўл ҳаракати хавфсизлигини тиббий жиҳатдан таъминлаш ҳайдовчиларни мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан, шу жумладан рейсдан олдинги тиббий кўриклардан ўтказиш, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш, йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга ҳодиса юз берган жойнинг ўзиде, тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилинч ёрдам кўрсатиш усулларини йўл ҳаракати иштирокчиларига, ички ишлар органларининг, бошқа ихтисослаштирилган бўлимларнинг мансабдор шахсларга ва аҳолига даврий равишда ўргатиш орқали амалга оширилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳодиса юз берган жойнинг ўзиде тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилинч ёрдам кўрсатишдан, шунингдек йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойда, даволаш-профилактика муассасасига олиб борилаётганда ва даволаш-профилактика муассасасида малакали тиббий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Тиббий кўрикларни ўтказиш ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш тартиби, тиббиёт ходимлари етиб келгунига қадар бирламчи шошилинч ёрдам кўрсатиш учун транспорт воситасининг салониде туриши шарт бўлган зарур тиббий ашёлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

48-модда. Транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширув

Ушбу Қонуннинг 44-моддасида кўрсатилган ёшга тўлган шахслар автоматотранспорт воситалари ва шахар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш бўйича таълим ташкилотларига ҳужжатларни топширишдан олдин тиббиёт муассасаларида транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида мажбурий равишда тиббий текширувдан ўтади.

Тиббий текширув ушбу Қонуннинг иловасида қайд этилган тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида пулли асосда ўтказилади.

Тиббий текширувдан ўтказиш рухсат берилган тиббиёт муассасаларининг рўйхати, тиббий текширувни ўтказганлик учун тарифларнинг миқдорлари ва тиббий текширув натижаларига доир хулосанинг шакли Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

49-модда. Транспорт воситаларини бошқаришга доир тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд эмаслиги юзасидан тиббий текширувдан ўтиш тартиби

Тиббий текширув ўзига тиббий текширувни ўтказиш рухсат этилган тиббиёт тиббиёт муассасаси томонидан, текширувдан ўтаётган шахс шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (идентификацияловчи ID-картасини, паспортни, шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатини) кўрсатгач ўтказилади.

Тиббий текширувни ўтказиш учун тиббиёт муассасаси томонидан махсус тиббий комиссия тузилади. Тиббий комиссия таркиби тиббиёт

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Йўл ҳаракати тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3, 4-бетларда).

7-боб. Яқунловчи қоидалар

50-модда. Йўл ҳаракати соҳасида илм-фан ютуқларидан фойдаланиш

Йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини, йўлларнинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш, йўл ҳаракати иштирокчилари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида махсус ваколатли давлат органлари тизимида йўл ҳаракати соҳасида илмий тадқиқотларни амалга оширувчи тузилмалар ташкил этилиши мумкин.

Илм-фан ютуқларидан, йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича илмий тадқиқотлар натижаларидан махсус ваколатли давлат органлари томонидан йўл ҳаракатини ташкил этиш чоғида, шу жумладан йўл ҳаракатини ташкил этишнинг ахборот тизимлари ва техник воситаларини такомиллаштириш учун фойдаланилади.

51-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назорати

Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назорати йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишларини бартараф этиш ҳақидаги тақдимномаларнинг бажарилишини ўрганиш, йўл ҳаракатини ташкил этиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Йўл ҳаракати соҳасидаги давлат назоратини тегишли давлат органлари ҳамда ташкилотлар қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширади.

52-модда. Йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш

Йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Йўл ҳаракати соҳасидаги тадбирларни моддий-техника жиҳатдан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

53-модда. Низоларни ҳал этиш

Йўл ҳаракати соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

54-модда. Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Йўл ҳаракати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

55-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290,

293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1189-модда) **147-моддасига** қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

номи «қоидаларини бузиш» деган сўзлардан кейин **«йўл ҳаракатини ташкил этиш талабларини бажармаслик»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

иккинчи қисм «чораларини кўрмаслик» деган сўзлардан кейин «шунингдек йўл ҳаракатини ташкил этиш талабларини бажармаслик» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги 818–сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 215-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»ги 819–сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 216-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–31-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **5-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига **ўзгартишлар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–82-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 155-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелда қабул қилинган **«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига **ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–348-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 94-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–396-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 452-модда) **18-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **108-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ–721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) **15-моддаси**.

56-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

57-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ушбу Қонун 20-моддасининг иккинчи қисми талаблари ҳам ҳисобга олинмаган Ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламентини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

58-модда. Ушбу Қонуннинг қучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач қучга кириди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 19 январь
№ ЎРҚ–900

«Йўл ҳаракати тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига
илова

Транспорт воситаларини бошқаришга доир
тиббий қарши кўрсатмалар
РЎЙХАТИ

№	Касалликларнинг номи
I. Наркологик касалликлар	
Хайдовчиликнинг барча тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Барча наркологик касалликлар, бундан тамакига қарамлик мустасно
II. Рухий касалликлар	
Хайдовчиликнинг А, В, ВЕ тоифаларидаги хайдовчилар учун	
1.	Органик, шу жумладан симптоматик рухӣ бузилишлар
2.	Шизофрения, шизотипик ва васвасавий бузилишлар
3.	Аффектив бузилишлар
4.	Ўрта, оғир ва чуқур даражадаги ақли заифлик
Хайдовчиликнинг С, D, СЕ, DE тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Органик, шу жумладан симптоматик рухӣ бузилишлар
2.	Шизофрения, шизотипик ва васвасавий бузилишлар
3.	Аффектив бузилишлар
4.	Етуқлик ёшдаги шахс ва ҳулқ-атвор бузилишлари
5.	Барча даражадаги ақли заифлик
III. Юрак-қон томир касалликлари	
Хайдовчиликнинг А, В, ВЕ тоифаларидаги хайдовчилар учун	
1.	Аортал тешик стенози Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 35 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
2.	Аортал клапан етишмовчилиги Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 35 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
3.	Митрал тешик стенози Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 35 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
4.	Митрал клапан етишмовчилиги Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 35 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
5.	Қон айланиши етишмовчилиги Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 35 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
6.	Аорта аневризмаси Аорта ўзагининг диаметри 5,5 сантиметрдан катта эканлиги
7.	Кардиовертер-дефибриллятор имплантацияси
8.	Қоринчалар тахикардияси
9.	Ўзгарувчан гемодинамика билан кечадиган юрак бўлмачалари фибрилляцияси
10.	Хушини йўқотиш, бош айланиши билан кечадиган қоринчалар усти тахикардияси, Вольф-Паркинсон-Вайт синдроми
11.	II даражали атриовентрикуляр тугуннинг хушини йўқотиш билан кечадиган қамали
12.	III даражали атриовентрикуляр тугун қамали
Хайдовчиликнинг С, D, СЕ, DE тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Аортал тешик стенози Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 40 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
2.	Аортал клапан етишмовчилиги Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 40 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
3.	Митрал тешик стенози Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 40 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги

4.	Митрал клапан етишмовчилиги Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 40 фоиздан паст бўлган, II ва III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
5.	Қон айланиши етишмовчилиги Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 40 фоиздан паст бўлган, II ва III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
6.	Аорта аневризмаси Аорта ўзагининг диаметри 5,5 сантиметрдан катта эканлиги
7.	Кардиовертер-дефибриллятор имплантацияси
8.	Қоринчалар тахикардияси
9.	Ўзгарувчан гемодинамика билан кечадиган юрак бўлмачалари фибрилляцияси
10.	Хушини йўқотиш, бош айланиши билан кечадиган қоринчалар усти тахикардияси, Вольф-Паркинсон-Вайт синдроми
11.	Синкопе
12.	III даражали атриовентрикуляр тугун қамали
13.	Гис тутами оёқчаларининг транзитор қамали
14.	Гис тутами оёққасининг доимий қамали
15.	Носинус ритмили митрал ёки аортал клапан биопротези ёхуд митрал ва (ёки) аортал клапан пластикаси Чап қоринчанинг хайдаш фракцияси 40 фоиздан паст бўлган, III функционал классли қон айланиши етишмовчилиги
IV. Неврологик касалликлар	
Хайдовчиликнинг барча тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Эпилепсия (тутқаноқ)
2.	Синкоплар
3.	Гиперсомния
4.	Уйқу апноэси
5.	Марказий асаб тизимининг демиелинизация қилувчи касалликлари
6.	Ишемик ва геморрагик инсульт асоратлари (ҳаракат, сезги ва нутқ бузилишлари билан кечадиган асоратлари)
7.	Қунайиб борувчи мушак дистрофияси
8.	Пароксизмал миоплегия
9.	Миастения
10.	Асосан марказий асаб тизимига таъсир қилувчи тизимли атрофиялар
11.	Нейромускулар бирикмалар ва мушаклар касалликлари
12.	Ҳаракатнинг экстрапирамидал ва бошқа бузилишлари
13.	Меньер касаллиги
14.	Миелополирадикулоневрит асоратлари (Гийен-Барре асорати)
15.	Тарқоқ склероз
16.	Аутизм
17.	Даун касаллиги
18.	Альцгеймер касаллиги
19.	Қон томир деменцияси
20.	Ёнбош амиотрофик склерози
21.	Паркинсон касаллиги (оғир даражаси)
22.	Болалар церебрал фалажлиги (катталарда)
23.	Митония (барча турлари)
24.	Энцефалит, миелит ва энцефаломелит асоратлари (ҳаракат, сезги ва нутқ бузилишлари билан кечадиган асоратлари)
25.	Келиб чиқиши аниқ бўлмаган полиневропатия
26.	Тизимли дегенерациялар (мия атаксиялари, Гентингтон хораяси)

V. Нейрохирургик касалликлар	
Хайдовчиликнинг барча тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Бемор бош мияси, орқа мияси, краниал нервларининг ва асаб тизими бошқа қисмларининг неврологик қолдиқ ўзгаришлари
2.	Бош мия ва орқа миянинг неврологик қолдиқ ўзгаришлар мавжуд бўлган жароҳати
3.	Тутқаноқ ва неврологик қолдиқ ўзгаришлар (аневризмалар, артериовеноз мальформациялар, каверномалар) мавжуд бўлган бош мия қон томир касалликлари
4.	Тутқаноқ ва неврологик қолдиқ ўзгаришлар мавжуд бўлган паразитар янги ҳосилалар, гранулёма, интракраниал ва интравертебрал абсцесслар
5.	Тутқаноқ ва неврологик қолдиқ ўзгаришлар мавжуд бўлган гидроцефалия
6.	Бош мия ва орқа миянинг касалликларда неврологик ўзгаришлар мавжуд бўлган тўма нуқсонлари
VI. Травматологик ортопедик касалликлар	
Хайдовчиликнинг барча тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Юқори муча ампутацияси
2.	Пастки мучалар ампутацияси
3.	Умуртка поғонаси бўйин қисмининг бошнинг ён-атрофга ҳаракатланиши ва ўгирилишини чеклайдиган касалликлари
4.	Жароҳатдан кейинги гемиплегиялар
5.	Юқори муча фалажлиги ва парези
6.	Пастки муча фалажлиги ва парези
VII. Кўз касалликлари	
Хайдовчиликнинг барча тоифаларидаги хайдовчилар, шунингдек трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун	
1.	Хайдовчиликнинг А, В, ВЕ, С, СЕ тоифаларидаги хайдовчилар учун – кўриш ўткирлиги яхши кўрадиган кўзда 0,6 дан (60 фоиздан) паст ва ёмонроқ кўрадиган кўзда 0,2 дан (20 фоиздан) паст. Хайдовчиликнинг D, DE тоифаларидаги хайдовчилар, трамвай ва троллейбуслар хайдовчилари учун – кўриш ўткирлиги яхши кўрадиган кўзда 0,8 дан (80 фоиздан) паст ва ёмонроқ кўрадиган кўзда 0,4 дан (40 фоиздан) паст. Рухсат этиладиган коррекция миопия ва гиперметропия касалликларидан, шу жумладан контактли линзалар билан 8,0 диоптрия, астигматизмда 3,0 диоптрия (сфера ва цилиндрнинг йиғиндиси 8,0 диоптриядан ошмаслиги керак)
2.	Изоҳ. Йўналишли таксиларнинг хайдовчилари ва тезкор хизматлар транспорт воситаларининг хайдовчилари (тез тиббий ёрдам хизмати, ёнгин-қутқарув бўлинмалари, ички ишлар органлари, авария-қутқарув хизматлари, ҳарбий транспорт воситасини бошқарувчи) учун – кўриш ўткирлиги яхши кўрадиган кўзда 0,8 дан (80 фоиздан) паст ва ёмонроқ кўрадиган кўзда 0,4 дан (40 фоиздан) паст. Рухсат этиладиган коррекция миопия ва гиперметропия касалликларидан, шу жумладан контактли линзалар билан 8,0 диоптрия, астигматизмда 3,0 диоптрия (сфера ва цилиндрнинг йиғиндиси 8,0 диоптриядан ошмаслиги керак)
3.	Кўриш қобилиятининг жиддий бузилиши билан кечадиган кўз пардаларининг сурункали касаллиги, қовоқларнинг, шу жумладан улар шиллиқ пардаларининг турғун ўзгаришлари, кўришга ҳалакат берувчи ёки кўз олмасининг ҳаракатланишини чеклайдиган қовоқ мушаклари парези, птози
4.	Жароҳатли йўли билан даволаб бўлмайдиган кўз ёшланishi
5.	Паралитик гилайлик ҳамда кўзлар ҳамжихат ҳаракатланишининг бошқа бузилишлари
6.	Ҳар қандай этиологияли гилайлик оқибатдаги турғун диплопия
7.	Спонтан нистагм
8.	Ҳар қандай меридиандаги периферик кўриш майдонининг 20 градусдан кўп тарзда торайиши
9.	Ранг ажратишдаги бузилиш (ахроматопсия, монохроматизм, дихроматизм, протанопия, дейтеранопия)
9.	Кўрадиган кўзнинг кўриш ўткирлигидан қатъи назар, бир кўзнинг кўрмаслиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТАРТИБНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

қолган маблағлар — тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари, Кадастр агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда 2024 йил 1 мартга қадар:

1-иловага мувофиқ 15 626,8 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини (аҳоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши, унумдорлиги юқори бўлган, майдони, қоида тарихисидан, 5 гектардан юқори контурларни 1 гектаргача лотларга бўлган ҳолда);

очиқ электрон танловга чиқарилган ва голиб аниқланмаган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари 2024 йил 1 мартдан бошлаб автоматик тарзда электрон онлайн аукцион савдоларига чиқарилишини таъминласин.

4. 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари ижарачиларига ижарага берилган ер участкалари бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилсин. Бунда:

ижарага олувчи ер участкасидан каммида уч йил давомида, ушбу банднинг учинчи хатбосида назарда тутилган ҳолларда эса, каммида беш йил давомида ўзи фойдаланган бўлиши шарт, ушбу муддат ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳисобланади;

юрidik шахсларга электрон онлайн аукцион савдолари, очиқ электрон танлов ёки танлов ўтказмасдан давлат органларининг қарорлари билан тўғридан-тўғри ижарага берилган ер участкаларини бошқа шахсга ўтказишга (қайта

ижарага беришга) ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кейин йўл қўйилади;

ижарага берувчи очиқ электрон танлов натижасига кўра ижара мuddатига тенг тақсимланадиган қўшимча тўловларни ёки электрон онлайн аукцион савдолари натижаларига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш назарда тутилган тўловларни бир йўла тўлаши шарт.

5. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2023 йил 13 декабрдаги "Республикамизда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳолатини ўрганиш, бу борада маҳаллий Кенгашлар томонидан назорат қилиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида"ги 3787-IV/ҚҚ-642-IV сонли қўшма қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2024 йил 31 декабрга қадар бўлган даврда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган, ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қилмайдиган, доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган, шу сабабларга кўра ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда амалда фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиб, ўз сессияларида ушбу ер участкалари бўйича:

туман (шаҳар) ҳокими ва ердан фойдаланувчи ўртасида ер ижараси шартномасини тузиш (ижара шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш) тўғрисида;

ер участкасини захирага қайтариш чораларини қўриш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилсин. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари 2024 йил 31 декабрда қадар ўз ҳудудларида ерга бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилмаган, лекин амалда фойдаланиб келинаётган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган барча ер участкалари бўйича ижара

ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ерни захирага қайтариш чораларини қўриш.

6. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориладиган ерлар учун қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги ўрнини қоплаш бўйича тўловлар барча ҳолларда барча шахслардан тўлиқ ундирилиши белгилансин, бундан ер участкалари жамоат ахтиёжлари учун олиб қўйилган ҳоллар мустасно.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ гаровга қўйовчининг ер участкасига бўлган ҳуқуқлар гарови билан таъминланган мажбурияти бажарилмаган тақдирда, ер участкасидан фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда ижара ҳуқуқини ер ижараси шартномасининг қолган даврига электрон онлайн аукцион савдолари орқали реализация қилишга рухсат этилади. Бунда:

ер участкасига ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларига чиқаришни ваколатли органлар билан келишиш (хўлоса олиш) талаб этилмайди;

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, ижара ҳуқуқини электрон онлайн аукцион савдоларига реализация қилишдан тушган маблағлар қонунчиликда белгиланган тартибда тақсимланади.

8. Агросаноат кластерларига ер участкаларини Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўғридан-тўғри ижарага бериш тартиби бекор қилинсин. Бунда, агросаноат кластерлари ер участкаларини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ёки йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифни танлаб олиш йўли билан ижарага олишлари мумкин.

9. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Адлия вазирлиги икки ой мuddатда йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифни танлаб олиш тартибини соддалаштириш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини, шунингдек, чет эл инвестициялари иштирокидаги

корхоналарга ер участкаларини ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ер участкаларини чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши тақлифни танлаб олиш йўли билан маҳаллий ва чет эллик инвесторларга тўғридан-тўғри ижарага беришда ушбу ер участкасига ижара ҳуқуқининг баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланмаган бозор қийматига нисбатан коэффицентларда белгиланмаган миқдордаги маблағ ижарага олувчи томонидан Давлат бюджетига тўланиши назарда тутилсин.

10. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қўрилган ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Ходжаев ва Ж.А.Қўчқоров, қишлоқ хўжалиги вазирли И.Ю.Абдурахмонов белгилансин.

Фармон ижроси учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирли А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 18 январь

АСРЛАРГА ТУТАШГАН ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК ЗАМОНАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ОМИЛИ

2019 йилда ҳуқуқматларро алмашинув доирасида Бош вазир Абдулла Ариповнинг Хитойга ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазирли Ли Кэцяннинг Ўзбекистонга расмий ташрифи, шунингдек, 2021 йил июнь ойида ҳукумат раҳбарларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. 2022 йил августда эса ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой Ҳуқуматларо қўмитасининг 6-мажлиси онлайн тарзда ташкил этилди.

2023 йил октябр ойида Бош вазир Абдулла Арипов XIX Осий йўлларининг ёпилиш маросимида қатнашиш учун Хитойга ташриф буюрди ва ХХР Давлат кенгаши Бош вазирли Ли Цян билан учрашди.

Ташки ишлар вазирликлари ро сийёши махсуслашувлар механизми яратилган ва у муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ушбу форматда жами 17 давра учрашуви ўтказилди. "Марказий Осий — Хитой" формати доирасида ҳам ташки сибсат идоралари раҳбарлари ўртасида самарали мулоқот йўлга қўйилган.

2023 йил ноябрь ойида Пекинда икки давлат ТИВ раҳбарларининг биринчи Стратегик мулоқоти бўлиб ўтди. Мазкур тадбир доирасида Гуанчжоу шаҳрида бизнес-форум ва Шанхайда икки давлат ишбилармон доира вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди.

Бугунги кунда Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий ва савдо шериги ҳисобланади. 2023 йилнинг январь — ноябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 12,2 млрд. долларни ташкил этиб, ўтган йилги кўрсаткичдан 34 фоизга ошди.

2011 йилдан буён ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой Ҳуқуматларо қўмитаси доирасида томонлар ривожланиш масалалари ва амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилиб келмоқда.

Кайд этиш керакки, Хитой Ўзбекистондаги энг йирик сармоядорлардан биридир. 2017 — 2022 йилларда Хитой сармояларининг ўзлаштирилган умумий ҳажми салкам 11 млрд. долларга тенг бўлди. Тўғридан-тўғри Хитой сармоялари бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётининг қўллаб-тармоқлари, жумладан, кимё саноати, нефть-газ сектори, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, энгил саноат ва бошқа соҳаларга йўналтирилган. Республикамизда йирик сармоявий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда иш-тирик этаётган Хитой компаниялари сони муттасил ортиб бораётир. Бугунги кунда Ўзбекистонда Хитой сармоясини иштирокида 2 125 корхона фаолият юриятяпти. Хусусан, 2023 йилда Хитой капитални иштирокида 601 та янги корхона ташкил этилган.

Икки томонлама муносабатларнинг муҳим йўналишларидан бири, бу — камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик. Мазкур жабҳада Ўзбекистон томони Хитой Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ ишлари вазирлиги билан яқин алоқаларни ўрнатган. Декабрь ойи охирида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой Ҳуқуматлар-

аро қўмитаси доирасида Камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича қўйи қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг апрель ойида Сирдарё вилоятига ташрифи чоғида Сирдарё саноат, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги, таълим ва тиббиёт соҳаларида "илгор инновациялар худуди"га айланishi кераклигини таъкидлаган эди. Бу жараёнда мазкур тармоқларда мисли кўрилмаган ютуқларга эришган ва Хитойнинг катта тажрибасидан фойдаланиш тақлиф этилмоқда.

Шу муносабат билан 2023 йил июнь ойида Гулистон шаҳрида Хитойнинг "Хуавэй", "ТибийЭй", "СиСиСевен" ва бошқа етакчи компанияларининг 250 нафар вакили иштирокида "Сирдарё — Хитой" бизнес форуми бўлиб ўтди. Форум асноларида бўйича умумий қиймати 322 млн. долларлик 30 га яқин битимлар имзоланди.

Хитой — Ўзбекистон ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан яна бири — транспорт-коммуникация соҳасидир. У Ўзбекистоннинг узини "денгизга чиқмайдиган мамлакат"дан "қуруқлик билан боғланган мамлакат"га айналтириш манфаатларига, шунингдек, Хитойнинг "Бир макон, бир йўл" ташаббуси концепциясига тўлиқ жавоб беради.

Мазкур ташаббус доирасида Ўзбекистонда хитойлик ҳамкорлар иштирокида мамлакатимиз ва бутун Марказий Осийдаги энг узун туннелга эга бўлган Ангрэн — Поп темир йўли линияси қурилади. Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон транспорт йўлига тоғларни кесиб ўтувчи халқаро артерияга айлиниб бормоқда. "Марказий Осий — Хитой" газ қувурининг тўртта йўналиши ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ўтиб, қўшни давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар учун намуна бўлмоқда.

Минтақаларимизни асрлар давомида боғлаб турган Буюк Ипак йўли Шарқ ва Ғарб ўртасида тинчлик, ҳамкорлик ва оқиллик рамизи бўлиб, ўзаро савдо, маданий ва илмий алмашинувга хизмат қилган. Қадим замонлардан бери мазкур йўл орқали Ўзбекистон ва маданий алоқаларни рағбатлантиради. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида очилган Конфуций институти Хитой маданияти ва тилини ўрганишнинг асосий марказларига айланди, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Хитойда ўзбек тилини ўрганишга эътибор берилган. Бугун Ўзбекистон ёшлари хитой тилини ўрганишга катта қизиқиш билдириятти, ўз навбатида, хитойликларнинг ҳам ўзбек тилини ўрганишга иштироки баланд. Ушбу омилига ўзара билим алмашинуви ва маданий алоқаларни рағбатлантиради. Жумладан, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида очилган Конфуций институти Хитой маданияти ва тилини ўрганишнинг асосий марказларига айланди, десак, ҳеч муболага бўлмайди.

Хитойда ўзбек тилини ўрганишга эътибор берилган. Бугун Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик сифат жиҳатдан янги логонага кўтарилди. Хитойнинг инглиз тилида босиладиган нуфузли "Global Times" газетасида ёзилганидек, 2023 йил Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари тарихида муҳим давр бўлди. Шу нуктага назардан, давлатимиз раҳбарининг Хитойга бўлажак давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликдаги муваффақият ва ютуқларни мустаҳкамлайди, шунингдек, икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида самарали ҳамкорликнинг навабатида янги истиқболларни очишга хизмат қилади.

нишга қизиқиш кучайиб, Марказий миллатлар университети ва Пекин хоржий тиллар университети, Шанхай халқаро тадқиқотлар университети каби таълим муассасаларида муваффақиятли ўқитилмоқда. Шунингдек, мамлакатдаги нуфузли таълим муассасаларидан бирида Хитойда ихтисослаштирилган Ўзбек тили кафедраси мавжуд. Бу қизиқиш Ўзбекистондаги олий ўқув юртиларида тахсил олаётган хитойлик талабалар сони ортиб бораётганида ва икки давлат ўртасида билим алмашиниш ва маданий алоқаларни ривожлантиришда аққол намоён бўляпти.

1998 йилда ташкил этилган "Ўзбекистон — Хитой" дўстлик жамияти ҳам икки мамлакат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга самарали хисса қўшаётир. 2022 йил 18 май куни Сянбей шаҳрида "Марказий Осий — Хитой" биринчи саммити доирасида "Марказий Осий ва Хитой халқлари маданияти ва санъати йили"нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унинг доирасида қатор маданий тадбирлар, концерт ва фестиваллар, кўргазмалар, гастроль алмашинуви ва ўзбек маданиятининг тақдимотлари уюштирилди.

2023 йил май ойида Пекиндаги "Beijing Orega House" да Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри оркестри жамоасининг концерти бўлиб ўтди. 2023 йил сентябрь ойида Ўзбекистон маданияти вазири Озодбек Назарбеков Хитойнинг Ғансу провинциясининг Дуньхуо шаҳрида бўлиб ўтди. "Ипак йўли" VI халқаро ЭКСПО кўргазмасида қатнашди.

2023 йил сентябрь ойида Пекиндаги "Гугун" император саройи музейида "Археологик ҳамкорлик — бир макон, бир йўл" кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон тарихий мероси "олтин фонди"дан ўрин олган 18 та экспонат намойиш этилди.

Уз навбатида, 2023 йил октябр ойида маданият ва туризм вазирининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида "Хитой маданияти куналари" бўлиб ўтди. 2023 йил 23 сентябрь — 8 октябр кунлари Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX Осий йўлларидан Ўзбекистондан 380 нафардан зиёд атлетлар спортнинг 39 турида муваффақиятли иштирок этди. Умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон вакиллари 22 олтин, 18 кумуш ва 31 бронза медалларини қўлга киритиб, қитъада 5-ўринни эгаллади.

Иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши Хитойда Ўзбекистонга, унинг тарихи ва аънаваларига бўлган қизиқишининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилда мамлакатимизга 40 мингдан зиёд хитойликлар савҳатга келгани шундан дарак беради.

Иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши Хитойда Ўзбекистонга, унинг тарихи ва аънаваларига бўлган қизиқишининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилда мамлакатимизга 40 мингдан зиёд хитойликлар савҳатга келгани шундан дарак беради.



Ўзбек ва хитой халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихи бир неча асрларга бориб тақалади. Буюк Ипак йўли алоқалари, Шарқ маданияти ва ўхшаш аънавалар халқларимизни ўзига боғлаб туради. Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги қадимий ришталар янада мустаҳкамланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Икки давлат ҳамкорлиги ўзаро ишонч ва тенглик, манфаатдорлик руҳида изчил ривожланмоқда.

Дўстлик ришталари

Айниқса, ўтган йил Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг ривожланиш тарихида Ўзига хос давр бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикасига икки бор ташриф буюрди: давлатимиз раҳбари "Хитой — Марказий Осий" биринчи саммитида ҳамда "Бир макон, бир йўл" учинчи халқаро ҳамкорлик форумида қатнашди. Президентимиз ХХР Раиси Си Цзиньпин билан учрашувларда янги даврда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шерикликни ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашди. Ҳамкорлик бўйича янги келишувларга эришилди, икки томонлама муносабат режалари ишлаб чиқилди.



ХХР Раиси Си Цзиньпин "Хитой билан Ўзбекистон манфаатлари ва тақдирини муштарак, қувонч ва ташвиш билан биргаликда баҳам қўрайдиган тенг ҳуқуқли ҳамда ўзаро манфаатдор шериклардир", деганида мулоқоқ жўзд. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал сурьатида ривожланмоқда. Ҳудудлар ўртасида ҳам алоқалар фоллашган. Ўтган йили Ўзбекистонга Шинжон-Уйғур муҳтор тумани, Шаньдун, Шэньси, Цзянсу ва Цзянси музофотлари делегациялари ташриф буюрди. Маданий-гуманитар алоқа ва таълимдаги алмашинуви фоллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мамлакатимизда "China CARE Engineering", "China Energy International", "Group Central Asia", "Harbin Electric International Co., Ltd", "Huavey Tech Investment Tashkent" каби йирик компаниялар ўз лойиҳалари тақдимотини ўтказди.

Умуман, Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик барча соҳада фол ривожланмоқда. Икки мамлакат ўртасида 2023 — 2027 йилларда мўлжалланган стратегик шерикликни ривожлантириш дастури қабул қилинган. Лойиҳалар "Ипак йўли иқтисодий макони", "Бир макон, бир йўл" доирасида темир йўл, энергетика ва бошқа инфратузилма объектилари қурилишини назарда тутди. Ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 2017 йил 4,8 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 2022 йил охирига келиб бу кўрсаткич 8,9 млрд. долларга етди. 2023 йил икки томонлама савдо ҳажми рекордини янгилаб, 12 млрд. АҚШ долларида ошди, сармоявий ҳамкорлик сезиларли мустаҳкамланди, минтақаларо алмашинувлар тобора жипслашмоқда, гуманитар ҳамкорликка катта эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги шериклик ҳам изчил ривожланмоқда.

Кейинги пайтда жуда кўп ўзбек ёшлари хитой тилини ўрганишга қизиқиш билдирилмоқда ва хитойликлар ҳам ўзбек тилини ўрганмоқда. Бу билим ва маданий алоқа алмашинувига хизмат қилляпти. Масалан, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурида ташкил этилган Конфу-

ций институти хитой тили ва маданияти марказига айланди. Ушбу институтиларни ўтган йиллар давомида Хитой билан Ўзбекистон дўстлигини мустаҳкамлашга хизмат қилдиган 3 мингдан ортиқ мутахассислар битириб чиқди. Бундан ташқари, Хитой ҳукумати хомийлигида Ўзбекистон олий ўқув юртиларида хитой тилини ўқитиш бўйича замонавий марказлар очилди. Хитой Марказий миллатлар университетида (2010 йилдан) ва Пекин чет тиллар институтида (2012/2013 ўқув йилидан) ўзбек тилини мустаҳкамлашга хизмат қилган Шанхай халқаро тадқиқотлар университетида алоҳида Ўзбек тили кафедраси фаолият қўрмоқда.

Ўзбекистон камбағалликка қарши кураш бўйича Хитой тажрибасини ўрганиш ва жорий этишдан манфаатдор ҳамда "Бир макон, бир йўл" ташаббуси доирасида иқтисодий ва савдо, сармоя, транспорт ва бошқа соҳаларда мулоқот ва ҳамкорликни чўқурлаштиришга интилмоқда.

Рақамли ривожланиш — энг муҳим йўналишлардан бири. Юқори технологияли парклар сони бўйича жаҳонда биринчи ўринни эгаллайдиган Хитойда 80 дан зиёд шундай муассасалар бор. Ўзбекистон ҳам рақамли ривожланишни жадаллаштиришда — юртимизда юқори технологияли парклар фол ишламоқда. Хитой 80 га яқин давлатларда рақамли инфратузилма лойиҳаларини амалга оширяпти ва дунё бўйлаб "Рақамли Ипак йўли" доирасидаги лойиҳаларга тахминан 80 млрд. доллар сармоя киритган.

Мутахассислар таъкидлашича, замонавий рақамли технологиялар жорий этилиши меҳнат унумдорлигини 20 — 30 фоиз оширади, тиббий харажати 30 фоиз камайтиради, қишлоқ хўжалиги махсуддорлигини 15 фоиз яқшайлади. Шу нуктага назардан, мамлакатларимизда рақамли инфратузилмани ривожлантириш, алоқа тармоғи, маълумот ва интернетни модернизация қилиш, ҳудудни рақамлаштиришни жадаллаштириш, "Рақамли Ипак йўли" доирасида қўшма рақамли платформалар яратиш, IT-парклар негизда яқин ҳамкорлик қилиш, булутли платформа ва маълумотлар марказини жойлаштириш, электрон тижорат асосини мустаҳкамлаш, сунъий интеллект ва инновацияни рағбатлантириш устида иш олиб бориляпти.

Истикболли рақамли йўналишлар ҳаётга татбиқ этилиши, умуман, мамлакатларимизга ҳамкорликни янада жадал, мувозанатли ва ўзаро манфаатли ривожлантириш имконини беради.

Транспорт алоқаси даражаси ошиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистон ҳудудидан ўтувчи "Хитой — Марказий Осий" газ қувури барқарор ишламоқда, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон автомобиль йўли ҳамда Хитой — Қозғистон — Ўзбекистон темир йўли бўйлаб трансгеограви ташвиш самарадорлиги таъминланмоқда. Хитой ташаббуси туфайли Марказий Осий давлатлари Шарқда денгизга қулай ва самарали чиқиш имкониятига эга бўлди. Хитойнинг Цзянсу провинциясидаги Лянжонг порти орқали Ўзбекистондан Япония, Жанубий Корея ва Жануби-шарқий Осий каби бошқа давлатларга товарлар етказиб берилаётир. Ҳозирда лойиҳаланиб туриш-иқтисодий асослари яқинига етган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлига келсак, ушбу лойиҳа "Хитой — Марказий Осий — Ғарбий Осий" иқтисодий коридорини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хитойнинг Цзянсу провинциясидаги Лянжонг порти орқали Ўзбекистондан Япония, Жанубий Корея ва Жануби-шарқий Осий каби бошқа давлатларга товарлар етказиб берилаётир. Ҳозирда лойиҳаланиб туриш-иқтисодий асослари яқинига етган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлига келсак, ушбу лойиҳа "Хитой — Марказий Осий — Ғарбий Осий" иқтисодий коридорини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хитойнинг Цзянсу провинциясидаги Лянжонг порти орқали Ўзбекистондан Япония, Жанубий Корея ва Жануби-шарқий Осий каби бошқа давлатларга товарлар етказиб берилаётир. Ҳозирда лойиҳаланиб туриш-иқтисодий асослари яқинига етган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлига келсак, ушбу лойиҳа "Хитой — Марказий Осий — Ғарбий Осий" иқтисодий коридорини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хитойнинг Цзянсу провинциясидаги Лянжонг порти орқали Ўзбекистондан Япония, Жанубий Корея ва Жануби-шарқий Осий каби бошқа давлатларга товарлар етказиб берилаётир. Ҳозирда лойиҳаланиб туриш-иқтисодий асослари яқинига етган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлига келсак, ушбу лойиҳа "Хитой — Марказий Осий — Ғарбий Осий" иқтисодий коридорини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хитойнинг Цзянсу провинциясидаги Лянжонг порти орқали Ўзбекистондан Япония, Жанубий Корея

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Кеча ўз ишени бошлаган Олий Мажлис Сенати қирқ тўққизинчи ялпи мажлисининг дастлабки кунини давомида бир қатор долзарб масалалар, жумладан, қонунлар чуқур таҳлилдан ўтказилди.
Қайд этилганидек, мазкур қонунлар шиддатли давр талаблари асосида ишлаб чиқилган. Сенаторлар улардан айримларининг мазмун-моҳияти ҳамда ислохотларнинг ҳозирги босқичдаги аҳамияти хусусида қуйидагича фикр билдирди.

Муносабат

Миллий қонунчилик Жаҳон савдо ташкилоти талабларига уйғунлаштирилмоқда

Эркин ГАДОВЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси раиси:
— Сир эмас, мамлакатимизда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштиришга қаратилган изчил чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Сенаторлар маъқуллаган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштиришни назарда tutувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу мақсадга хизмат қилади.

Қонунга биноан интеллектуал мулк, реклама ва давлат божи билан боғлиқ миллий қонунчиликнинг қатор нормаларини Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига уйғунлаштириш мақсадида айрим қонунларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Масалан, "Ихтиролар, фойдаланувчи моделлар ва санонат намуналарини тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган ўзгариш йиллар давомида ишлаб чиқаришга жорий қилинмаган ихтироларни ёки фойдаланиш моделларини амалиётга кенг татбиқ этиш, янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозори тўлдирishда хуқуқий асос вазифасини ўтайди.

"Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга киритилаётган янгиликка биноан, чет эл сармояси иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ставкаси базавий ҳисоблаш меъёридан 10 бараваридан 1 баробаригача туширилмоқда.

Қонунда ихтиролар, фойдаланиш моделлари, са-

ноат намуналарининг хуқуқий муҳофазаси учун патент беришга, расмий экспертиза ўтказишга ва маълумотларни эълон қилишга талабнома бериш учун давлат божлари миқдорларини Интеллектуал мулкнинг савдо жиҳатлари бўйича ЖСТ битими талабларига уйғунлаштирилмоқда.

Бу қонун Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ҳамда маҳаллий ва хорижий инвесторлар учун бир хил шарт-шароит ва тенг рақобат муҳити яратиши имконини беради.

Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда қўл келади

Фарҳод БОҚИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида оқчилликни таъминлаш масалалари кўмитаси раиси:

— Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар силсиласида фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шахс, жамоат ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Негаки, бугунги тезкор ва таҳдидли даврнинг ўзи хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига янги вазифаларни қўймоқда ва ушбу органларнинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг тезкор ва самарали ижро этилишига хизмат қилаётган хуқуқий асосни яратишни тақозо этмоқда.

Сенаторлар маъқуллаган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг хуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан қатор

хужжатларга айрим ўзгаришлар киритилмоқда.

Хусусан, "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги Қонунга жиноятларнинг ҳолатлари, уларни содир этган шахсларни аниқлаш ва қидириш, жазони ўташдан бўйин товлаётган ёки бедарак йўқолган шахсларни қидириш мақсадида оммавий ахборот воситалари имкониятидан бепул фойдаланишга доир ички ишлар органлари ҳуқуқларини аниқлаштиришни назарда tutувчи ўзгариш киритилмоқда. "Маъмурий қамқоқни ўташ тартиби тўғрисида"ги Қонунга эса маъмурий қамқоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган муассасада тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш имкониятини белгиловчи қўшимча киритилаётганини айтиш зарур.

Умуман, бу қонун жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини ишончи таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда қўл келади.

Жавобгарлик энгиллаштирилмоқда

Шухрат ЧўЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси

— Кейинги олти-етти йил давомида бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-хуқуқ тизимини ҳам қўлғамли ишлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган барчага маълум. Шу мақсадда инсонпарварлик, адолатпарварлик ҳолатларига асосланган қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Янги мажлисда қўрилган "Айрим тоифадаги жиноий қилмишлар учун жавобгарлик либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун моҳиятига ҳам ана шу тамойил сингдирилган.

Гап шундаки, у билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга учувчисиз унадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қилмишларини қонунга ҳилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ маъмурий жавобгарликни назарда tutувчи янги норма киритилиб, бу борадаги жавобгарлик энгиллаштирилмоқда. Ўрни қонунга ҳилоф равишда ҳаракатланган содир этган шахс, агар у учувчисиз унадиган аппаратларни, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт

қилмишларини ўз ихтиёри билан топширса, жавобгарликдан озод қилинади.

Муҳими шундаки, бу қилмишни биринчи мартаба содир этган шахслар учун жиноий жавобгарлик эмас, балки маъмурий жавобгарлик белгилаш мумкин бўлади.

Янги амалиёт жорий этилади

Толибжон МАДУМАРОВ, Олий Мажлис Сенатининг Мудофая ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси

— Маълумки, юртимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни энгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта қўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинмоқда. Натижада ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилаётди.

Шу саъй-ҳаракатларга қарамай, қонунчилигимизни халқаро нормаларга уйғунлаштириш орқали ташқи савдонини янада либераллаштириш зарурати борлигини айтиш зарур.

Янги мажлисда маъқулланган "Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига божхона тартиб-таомилларини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ана шу масала ечимига, яъни соҳага янги амалиётнинг жорий этишга йўналтирилгани билан диққатга сазовор.

Мазкур қонун билан божхона ҳудуди репортёр божхона режимида жолаштирилган товарларни олиб чиқиш бўйича аниқ мuddатлар ҳамда репортёрга олиб чиқилмаган товарларнинг сақлаш жойлари белгиланмоқда. Бир неча божхона омбори божхона режимида жолаштирилганда ёки божхона шахсга ўтказилганда божхона омбори божхона режимидаги аниқлаштирувчи норма билан тўлдирилаётгани эътиборга молик. Қолаверса, эндиликда товарларни божхона ҳудудидан қайта ишлаш теҳнологик жараёни тўғрисидаги хужжат кичик турдаги ташкилотлардан эмас, фақатгина йирик давлат улуши бўлган ташкилотлардан талаб этилади.

Айтиш жоизки, бу энгиллик тадбиркорларга қайта ишлаш режимида самарали фойдаланишда қўл келади.

«Халқ сўзи».

ФРАКЦИЯЛАР ҲАЁТИ

ЎзЛиДеП



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги нормаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши тақлиф этилмоқда.

ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Тўлқин Каримовнинг фикрича, амалиётда маъмурий тартибда жавобгарликка тортилган шахсларнинг содир этган хуқуқбузарлиги бир хил турда бўлса-да, белгиланган жараима миқдорининг ҳар хил эканлиги фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. "Қоғедекса хуқуқбузарлигининг ҳар бир тури учун муайян миқдордаги жараима жазосини ва бу жараима миқдорини белгилашга ваколатли шахслар кимлар эканлигини аниқ қилиб мустаҳкамлаб қўйиш зарур", деди халқ вакили.

Қуйи палатага киритилган қонун лойиҳаси билан маъмурий жазолар миқдорини камайтириш, уларни бир хил қўришнига келтириш, маъмурий хуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш, маъмурий ишнинг қўриб чиқилишида электрон ахборот теҳнологияларидан унумли фойдаланиш орқали аҳолига энгиллик яратиш кўзда тутилмоқда.

«Миллий тикланиш» ДП

Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" ДП фракциясининг яқинда бўлиб ўтган йилги Алишер Қодиров парламентда қандай қилиб партиянинг салоҳиятини ошириш кераклиги ҳақида гапирди.



Фракция раҳбарининг фикрича, партиянинг туман-шаҳарларда роли жадаллаша одамларнинг партияга хайрихоҳлиги ошади. "Барча сайловчиларнинг ишончини оқлашимиз керак. Қуйи бўғинларимиз ҳаракатларини бирлаштириб, қўшимча равишда партиямизнинг мақсад ва вазифаларини тарғиб қилса, манфаатларимизни ҳимоя этса, туманда, қолаверса, парламентда партиямиз кучли бўлади ва халқ биз учун овоз беради, бу эса бизнинг гоғларимизга тўлиқ жавоб берадиган қонунларни қабул қилишда имкониятларимизни кенгайтиради", деди у.

«Адолат» СДП



Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиядан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади ҳамда судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслигига оид конституциявий нормалар мавжуд.

"Адолат" СДП фракцияси аъзоси Мухаммадjon Валиев шу ҳақда тўхталиб, амалиётда ушбу нормаларга мувофиқ келмайдиган механизмлар ишлаб тургани, хусусан, ҳудудий судлар раислари маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳисобот бериб келгани қўллаб-қувватловларининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганини таъкидлади.

"Шу боис ушбу амалиёт бекор қилиниши назарда тутилган ва бир гуруҳ депутатлар томонидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлайман. Зеро, у фаолиятини мустақил юритиб келмишдан судлар одил судловни таъминлаш йўлида ҳеч кимга ҳисоб беришига йўл қўймаслигимиз керак", деди депутат.

ЎЗХДП



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда унинг қуйи палатадаги фракциясининг банклар ва уларнинг ҳизматидан фойдаланувчи фуқаролар ўртасида вужудга келаётган муаммолар ва уларнинг ечимига бағишлаб ўтказилган йиғилишида долзарб масалалар кўтарилди.

ЎЗХДП фракцияси аъзоси Анвархон Темиров ўтган йилдан бошлаб тадбиркорларга уй-жой қуриши учун божхона имтиёзлари тақдим этилаётгани, бундан ташқари, уларга Марказий банк томонидан белгиланган фойзаларига кредит ажратилаётганига тўхталиб ўтди. "Аммо уй-жой учун ипотека кредити олишга давлат банкларига борган аҳолига, оддий ишчига 18 фоизлик ставка белгилаяпти, уни олий ҳам жуда қийин. Тижорат банкларидаги фойзаларига эса ундан-да юқори. Банклар фаолиятини мувофиқлаштириб туришни Марказий банк аҳолининг уй-жойга эга бўлиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида давлат имтиёзини ва кулай фойзаларига ипотека кредити ажратилиши масаласини қайта қўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Токи, имтиёзли кредитлардан нафақат тадбиркорлар, балки оддий ишчи-ходимлар ҳам фойдалана олиши керак", деди депутат.

Ўзбекистон Экологик партияси



Шу hafta ўртасида ўтказилган қуйи палатанинг навбатдаги мажлисида депутатлар тақлифи билан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирининг республикада, шу жумладан, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитиш ҳақида қарор қабул қилинди.

"Эшитувчи номига ўтказиш ниятимиз йўқ. Экопартия фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси ҳамкорлигида жойларда тегишли ўрганишлар олиб бориляпти. Биз, парламент аъзолари атроф-муҳит муҳофазасига қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолиятимиз билан мевосита ҳисса қўйишимиз мумкин. Яъни атроф-муҳит муҳофазасини қўбйириш учун муайян қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши зарурати юзга келса, бу бўйича тақлифимизни Қонунчилик палатасига киритиш асосий мақсадимиз ҳисобланади", деди фракция раҳбари Хайрулло Ғафоров.

«Халқ сўзи».

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР РУҲИДА ТАРБИЯ ТОПГАН ЕТУК КАДРЛАР СУВ БИЛАН ҲАВОДЕК ЗАРУР

Шу билан бирга, ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, навқирон авлод вақилларининг юртимиздаги ислохотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўбга чиқариши учун шароитлар яратиш муҳимлиги ҳақида ҳам сўз юритилди.

Мазнавий-маърифий тадбирда, шунингдек, "Жаҳид" газетасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда Президентимиз томонидан жаҳид маърифатпарвар болаларимизнинг Ватан тараққийти, миллат раванқи йўлидаги саъй-ҳаракатларини янада кенг татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббуси билан чоп этилаётган "Жаҳид" газетаси Ватан ва халқ манфаатлари йўлида жон фидо қилган миллат оидинчилари — жаҳид болаларимиз ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этишда ўзига хос тафаккур майдони бўлиб хизмат қилади.

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ўз тараққийотининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жаҳид болаларимиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия зарурлиги ҳақидаги сўзлари шунчаки тарихий маълумот эмас, балки ҳар биримиз учун жиҳдий чакриқ эканини теран англашимиз шарт. "Жаҳид" газетаси ана шундай жасоратли зиёилар учун асосий минбарга айлишига бел болаганимиз ва бу борада барча жонкуяр, фидойи юртдошларимизни ижодий ҳамкорликка чорлаймиз, — деди "Жаҳид" газетаси бош муҳаррири Иқбол Мирзаалиев.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, "Меҳнат шухрати" ордени соҳибни Мунаввара Абдуллаева сўз олиб, бугунги кунда бутун дунёда юз бераётган глобаллашув жараёнида мамлакатимизда миллий маданиятни янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар, зиёиларнинг элу юрт олдидаги вазифалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирди.

Мазнавий-маърифий тадбир якунида маданият, таълим, санъат соҳаларидаги ютуқлар, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимлари хусусида фикр алмашилди.

«Халқ сўзи».

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК — АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 16 январь кунини 2024 йилда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда бу борада ўтган йили амалга оширилган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

Айни пайтда парламент вақиллари белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ҳозирги ислохотлар жараёнида муҳим аҳамиятга эгалиги, уларнинг баҳарлилигини таъминлашда янада фаол бўлиш лозимлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу бўйича Қонунчилик палатаси депутатлари ўз муносабатларини билдирди.

Нуктаи назар

Мавлуذا АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Давлатимиз раҳбари видео-селектор йиғилишида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишни таъминлаш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Дарҳақиқат, йирик санонат тармоқларининг солиқ юки камай-тирилган бўлса-да, кўп тармоқлар давлатга тушумни таъминлаш ўрнига ҳарajatини оширяпти. Шу маънода, бундан бўён санонатда қўллаб-қувватлаш механизмлари биринчи галда юқори қўшилган қиймат яратадиган ва бозори бор маҳсулотлар учун берилиши айтилди.

Иқтисодий комплекс масъуларига 2024 йилда қўшилган қийматни 45 фоиздан ошириш, таннархни 15 фоизга камайтириш, умуман, санонатда 7 фоиз ўсишни таъминлаш бўйича корхона-бай чора-тадбирни тасдиқлаб, амалга ошириш топширилди. Ушбу чора-тадбирлар шунчаки тахминий рақамлар ва ҳулосаларга таяниб эмас, аниқ таҳлиллар асосида ишлаб чиқилди.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида бюджет ижроси самарадорлигини таъминлаш гоятда муҳимдир. 2024 йилда бюджет тақчиллигини 4 фоиздан оширмаслик белгиланган. 2023 йилда қўллаб-қувватлаш корхоналари дивиденд ва солиқ тўловлари бўйича бюджетга 8 трлн. сўм тушумни таъминлаш олган. Мисол учун, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида солиқ тушумлари 20 фоиз ўсган бўлса, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бу кўрсаткич 7 фоизга ҳам етмаган.

Бундай ҳолатнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омиллардан бири, бу — юридик шахс мақомидаги 18 мингта оватқанлик корхонасидан атиги 2 300 таси

ҚҚС тўловчи ҳисобланшидир. Сабаби улар товар айланмасини 1 млрд. сўмдан оширмаслик учун битта ошонга 3-4 тадан фирма очган ҳолда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Эндиликда юқоридаги ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш учун маҳалладаги солиқчи, туман солиқ бошлиқлари ва ўринбосарларида кўпроқ вақт ва имконият бўлади. Босиш 40 мингта бюджет ташкилоти билан ишлаш вазифаси тумандан Солиқ кўмитасида янги ташкил қилинадиган Бюджет ташкилотлари инспекциясига ўтказилади. Ушбу инспекция тўлиқ рақамлашган бўлади ва Фазначилик электрон тизимига интеграциялаштирилади.

Бюджетга солиқ тушумларини ўз вақтида таъминлаш мақсадида кўмита қошида Солиқ қарзини ундириш инспекциясига асос солиниши ҳам айни мудна додир. Чунки унга Мажбурий ижро бориюсида мавжуд ваколатлар берилди. Бунинг ҳисобида, туманлардаги қўшимча 200 нафар солиқчини маҳаллабай ишлаш тизимига ўтказиш имкони пайдо бўлади.

Умуман айтганда, йиғилишда белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши нафақат мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, қолаверса, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалишига, янги иш ўрнилари яратилишига, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори кўпайтирилишига хизмат қилади.

Зумрад БЕКАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты:

— Бугунги кунда тиббиёт соҳасига бюджетдан ажратилаётган маблағлар 2016 йилдаги нисбатан 5 баробар, шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктлари-

ни дори-дармон, тиббий буюмлар билан таъминлашга ажратилаётган маблағлар 12 баробар кўпайтирилгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо масаланинг яна бир томони борки, бу борада ўз вақтида зарур чоралар кўриш кечиктириб бўлмас вазифалардан бири ҳисобланади. Ўрни солиқдан олиб чиқилган ажратилаётган маблағнинг ҳар бир сўмидан самарали ва мақсадли фойдаланиш керак.

Давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида бюджет ҳаражатларининг самарадорлиги масаласи ҳам алоҳида қўриб чиқилди. Бу бажиз эмас. Чунки ўтган йили бюджетдан 1,2 трлн. сўмлик норқоний харажат ҳамда 200 млрд. сўмлик қарамадон ва ўғрилиқларга йўл қўйилган. Соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги дастурларга ажратилган маблағлар эса тўлиқ ишлатилмаган.

Бу борада Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузурдаги Давлат молиявий назорати инспекцияси Бош прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига ўтказилиши айни мuddао бўлди. Бу, ўз навбатида, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлашга туртки беради.

Маълумки, соғлиқни сақлаш тизимига жорий этилаётган давлат тиббий сугуртаси механизмининг аҳолининг қафолланган ва сифатли тиббий ёрдам олиш имкониятларини кенгайтириш баробарида, соҳага ажратилаётган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган тизим ҳисобланади.

Дастлаб Сирдарё вилоятларидаги тиббиёт муассасаларида қўлланган давлат тиббий сугуртаси босқичма-босқич республика иختисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларига ҳамда 20 дан зиёд шифоий тиббиёт ташкилотларига татбиқ

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 15 808 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Гезагимиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; қотилиб 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-55.

ТАХРИРГАТ КЕЛГАН ҚўЛМАЗЛАР ТАКРИП ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУСТАҚИЛ ҚАЙТАРМАЙЛАДИ.
Гезетанинг тақлиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга ташкилот жавобгар.
Гезетанинг полиграфик ҳажатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
ИслоМ Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳачи — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.16 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6